O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2006 йил, **10** март, жума № **10** (2137).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **10** марта, **2006** год, № **10** (2137).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена свободная

Аёл деганда, кўз олдимизда аввалambор азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак, арзийди, албатта.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Она диёримиз узра баҳор нафаси кеза бошлаган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март – меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан самимий қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Биз бетакрор юртимиз, гўзал ўлкамиз, барчани ўзига мафтун этадиган фусункор табиатимизни аёлларимизга хос бўлган қалб саховати, ҳаё ва иффат, вафо ва садоқат туйғуси билан, сабр-бардош ва меҳр-мурувват фазилатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, буларни Оллоҳнинг ўзи бизга берган тенгсиз ва хосиятли неъматлар деб тасаввур қилишимиз табиийдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, Яратганнинг буюк ва беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотини таърифлаш ва мадҳ этиш учун ҳар қандай ёркин тимсол ва ташбеҳлар камлик қилади.

Аёл деганда, кўз олдимизда аввалambор азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак, арзийди, албатта.

Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик – бу давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари, илм-фан, маданият ва тиббиёт соҳаси бўладими, айниқса, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, миллий урф-одат ва қадриятларимизни сақлаш бўладими, оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида меҳр-оқибат, соғлом турмуш тарзи, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш бўладими – буларнинг барчасида сиз, муҳтарама опа-сингилларимизнинг қандай жон куйдириб, фидокорона хизмат қилаётганингизни халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Шу маънода, ҳеч шубҳасиз, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг бош майдонида қад кўтарган, ўзида бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги, муаззам ёдгорлик мажмуига Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берганимиз ҳам қалбимиз тўрида аёл зотига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром, таъзим ва ташаккуримизнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Азиз опа-сингиллар!

Мамлакатимизда 2006 йилга «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб ном беришимиз муносабати билан биз ўз олдимизга қўйган муҳим ва улкан вазифалар авваламбор халқимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтариш, бунинг учун мавжуд барча салоҳият ва имкониятларни ишга солиш, бир ёқадан бош чиқариб, социал ва ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилгани ҳаммамизга яхши аён, деб ўйлайман.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар учун, айниқса қишлоқ жойларда янги-янги иш ўринлари яратиш, биринчи галда хонадон бекаларига дуч келадиган уй-жой ва коммунал хизматлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича яна кўп иш қилишимиз лозимлигини, бу борада заҳматкаш ва камтарин опа-сингилларимиз олдида қарздор эканимизни ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Яқинда қабул қилинган шифокорлар ва ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлар, тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини, касаначилик фаолиятини ривожлантириш учун туғдириб берилаётган қулайлик ва имтиёзлар, ўйлайманки, ана шу йўлда янги амалий қадамлар бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни таъкидламоқчиманки, биз бундан буён ҳам аёлларимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, уларнинг ақлзаковати, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Қадрли опа-сингилларим!

Барчангизни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Толеингиз баланд, ризқи насибангиз зиёда, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат доим сизга ёр бўлсин!

Оилангизнинг бахту саодатини, фарзандларингизнинг камолини кўриш, ширин-шакар набираларнинг бешигини тебратиш ҳар бирингизга насиб этсин!

Хонадонларингиздан файзу барака аримасин!

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.

Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар резервга бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2006 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат тест маркази билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини, уларнинг маънавий-руҳий фазилатлари ва интеллектуал ривожланиш савияси қонунчиликда белгиланган танловнинг ҳарбий-касбий мезонларига қатъий мувофиқ равишда ўрганиб чиқилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган фуқароларни ишга жойлаштириш комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар, улар учун хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда иш жойлари олдиндан тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Р.Мирзаев), Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги "Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил қилиш тартиби тўғрисида"ги 84-сон қарори талабларига қатъий равишда муддатли ҳарбий хизматга чақирилишини, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилишни, шунингдек, резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил қилишни;

армияга кузатиш, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларни кутиб олиш маросимлари кенг жамоатчилик, фахрийлар, маданият арбоблари, артистлар жамоаларининг иштироки билан тантанали вазиятда ўтказилишини таъминласинлар. Бундай тадбирларни амалга ошириш армияга чақирилувчилар ва хизматни ўтаб келган ёшлар, уларнинг ота-оналари ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолиши, ёшларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширишга ёрдам бериши керак.

5. Мудофаа вазири (Р.Мирзаев) шу йилнинг 1 июлигача муддатда:

мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари ўртасида 2006 йил баҳоридаги муддатли ҳарбий хизматга фуқароларни чақириш ҳамда ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшаш тадбирларини энг яхши ўтказиш мусобақаси якунларини чиқарсин;

мусобақа ғолибларини маънавий, моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини назарда тутсин ва амалга оширсин. Фуқароларни ҳарбий хизматга чақириш, армия хизматини ўтаб бўлган ёшларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тадбирларини ўтказиш борасидаги вазифалар ҳамда қўйилган талабларнинг сифатли бажарилишини таъминламаган бўлинмалар ва уларнинг раҳбарлари ишига танқидий баҳо берилсин.

6. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А.Ходжаев), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов)га чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2006 йил 3 март.

МАЛОҲАТЛИ, МАТОНАТЛИ ЕЛКАДОШЛАР

Марказий офицерлар саройида 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган энг фаол ҳарбий ва хизматчи аёллар иштирок этган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник М.Аҳмедов: «Улар – она, меҳрибон устоз, назокатли ёр ҳам шарафли касбимизда сафдошдирлар», деган илиқ сўзлар билан тадбирни очди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Р.Мирзаев иштирок этди ва табрик сўзи сўзлади. Мудофаа вазири, жумладан, қуйидагиларга тўхталди:

– Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашда биз билан бир сафда аёл-қизларимиз ҳам муносиб хизмат қилмоқдалар. Уларнинг фидокорона меҳнатлари давлатимиз раҳбарияти томонидан ҳамиша эътироф этиб келинмоқда. Бугунги тантанада иштирок этаётган «Шуҳрат» медали соҳибалари шартнома бўйича хизмат сержантлари – Салима Бўтаева, Муҳайё Неъматова, Шаҳло Акбарова, Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғига сазовор бўлган Қуролли Кучлар хизматчиси Галина Балашова, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» деган фахрли унвон соҳибаси, Қуролли Кучлар хизматчиси Валентина Леонтьевалар номини ифтихор билан тилга олиб ўтсак арзийди.

(Давоми 2-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ЙИГИТЛАР ХАЛҚЛАРНИНГ МАҚТОВИ, КЎРКИ
2. СЕРЖАНТЛИК

Бугунги кунда сержантлик энг севимли ва шарафли касбга айланди. Асл фарзандларимиз ўз тақдирини шу касб билан боғлашяпти. Давлатимиз раҳбари шундай дейди: «Сержантлар корпуси – армиямизнинг пойдеворини ташкил этади ва унинг қай даражада тайёрланганлиги ҳамда уюшқоқлиги армиямизнинг жанговар салоҳиятини белгилайди».

Истиқлол йилларида миллий армиямизда ҳарбийларимизнинг янги авлоди – профессионал сержантлар пайдо бўлди. Чунки бизда сержантлар тайёрлашнинг ўзига хос тизими яратилди. Сержантлик мақоми янгича мазмун-моҳият касб этиб, ҳозирда сержант – аскарларнинг яқин устози, профессионал жангчи, ўз касбининг устаси, маҳорат ва билим жиҳатидан бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ва кам бўлмаслигимизни яққол намоён этаётган посбондир.

(Давоми 7-бетда).

Муштарийларимизга

СИЗГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, ҳаёт гўзаллиги ва бетакрорлиги нимада? Баралла айта олиш мумкинки, бу аёлларимизнинг меҳри, вафоси, муҳаббати, садоқатидадир. Аёл сиймосида таралиб турадиган нур ва эзгуликнинг ҳаёт давомийлигини эслатиб, бизни эзгу ишларга руҳлантириши, орзулар сари етаклашидадир. Хонадонларимиз ободлиги, кўнгиллар шодлиги аёлларимиз билан эканлигини ҳис қилишимиздадир.

Аёл – она. Бу шундай зотки, бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебрата олади. Аёл – севимли ёр, рафиқа. Аёли йўқ хонадон чироқсиз уйдек гап. Аёл – сингил, сирдош. Аёлни шоирлар баҳорга ўхшатишади, гулга ўхшатишади. Изларидан ҳаё, ибо, вафо эргашиб юрадиган аёлларимиз ҳақида, уларнинг сифатлари хусусида кўп-кўп фикрлар билдириш, ташбеҳлар айтиш мумкин.

Қадимдан бир ҳикмат бор. Аёли улуғланган юрт обод бўлади, фаровон бўлади. Бугун мустақил юртимизда аёлларимизга бўлган эътиборни, эҳтиромни кўриб, бу ҳикматнинг қанчалар тўғри эканлигини англайсиз. Президентимиз бошчилигида мамлакатимизда олиб борилаётган изчил сиёсат замирида аёлларга устувор эътибор қаратиб келинмоқда. Бугун ислоҳотларнинг ҳар жабҳасида аёлларимизнинг ўзига хос ўрни бор. Аёлларимиз нафақат баркамол авлод тарбиясида, балки давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ ишларда ҳам янада фаол қатнашишмоқда. «Зулфия» номидаги давлат мукофотини олишиб, дунёга ўз сўзларини айтишга ошиқаётган қизларимиз эртамизнинг муносиб давомчилари, бунёдкорлик ва яратувчанлигимиз Зулфияларидир. Спортда, санъатда Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришга уринаётган қизларимиз, аёлларимиз бугуннинг чин маънодаги гўзалларидир. Эгинга ҳарбий либос кийиб, юрт осойишталигини, тинчлигини қўришга эркаклар билан бир сафда турибди, улкан улуш қўшаётган қизларимиз, аёлларимиз мардликда, жасоратда Тўмарис момомизнинг давомчиларидир.

Зеболик, нафосат байрами – Хотин-қизлар куни муборак бўлсин, мунис ва меҳрибон оналар, муҳтарама аёллар, азиз сингиллар!

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

АЁЛЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА

Истиқлол мафкурасининг миллий хусусиятларини кўздан кечирар экансиз, унинг қанчалар халқчил эканлигини англаб оласиз. Масалан, унинг замирида ота-онага юксак ҳурмат-эътибор, оиланинг муқаддаслиги, аёл зотига эҳтиром билан боғлиқ қадриятлар борки, бу маънавиятимиз, маданиятимиз қанчалар бой эканлигини яна бир бор исботлайди. Маълумки, ҳар йили дунёда баҳорнинг илк байрамларидан бири сифатида Халқаро хотин-қизлар куни нишонланади. Бу халқаро сананинг тарихи билан қизиқиб кўрдим. Очиғи, бу турлича сиёсий воқеликлар билан боғлиқ. XX аср бошларида саноати ривожланган мамлакатларда аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари йўлида курашиб, мазкур сана юзага келишига туртки беришади. Бизда эса азал-азалдан аёлга эҳтиром бир қадрият даражасига кўтарилиб келинмоқда. Келинг, мавзуни айнан шу масалага қаратайлик.

Ҳерман Вамбери ўзининг «Туркий халқ» деб номланувчи асарида шундай ёзади: «...Ўзбекларнинг оилавий муносабатларини асл намуна деб ҳисобласа бўлади. Ўзбекларнинг ўз хотинига муносабати тожик ва сартларга нисбатан анча яхшироқ, шуниси жуда таъсирлики, ўрта ёшларга бориб қолган фарзандлар ўз ота-оналарига жуда ҳурмат ва эҳтиромли бўлишади.

(Давоми 7-бетда).


2 ВЕСЕННИЙ ПРИЗЫВ-2006
ВЫСОКАЯ ГОТОВНОСТЬ


3 СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ЭҲТИРОМ
ҲОЗИРЖАВОБ МУХБИР


6 БУГУН КУРСАНТ – ЭРТАГА ОФИЦЕР
РАДИОСТАНЦИЯЛАРНИ ШАЙЛАБ


12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ
«БИР ХИЛЛИКНИ ЁҚТИРМАЙМАН»

Весенний призыв-2006

ВЫСОКАЯ ГОТОВНОСТЬ

В отделе по делам обороны Юнусабадского района столицы к началу весеннего призыва в ряды Вооруженных Сил готовились заблаговременно. Поэтому здесь твердо уверены в том, что точно в установленные сроки выполнят поставленные задачи и призывники нынешней весны займут свои места в армейском строю.

– Еще в январе у нас началось изучение призывного контингента согласно совместному плану с местными органами самоуправления, – рассказывает начальник РОДО подполковник Рафук Кадыров. – Особенно активно нам помогли в этом деле такие махалли, как «Обод», «Иттифок», предоставив наиболее полные данные по личностным характеристикам каждого призывника, его семейному положению. Вообще взаимодействие и с районным хокимиятом, и с отделом внутренних дел также налажено хорошо.

Возглавляет здесь призывную комиссию заместитель хокима района Баходир Гаипназаров, под руководством которого и осуществляется координация работы всех, кто задействован в проведении призыва. Особое внимание уделено проверке здоровья будущих новобранцев. Члены медицинской комиссии во главе со старшим врачом Убайдулло Холматовым еще на этапе предварительного осмотра призывников четко выделили юношей, которым необходимо было поправить здоровье, продумали меры их оздоровления.

Весомый вклад в организованное проведение призыва внесло и отделение подготовки призывников к военной службе (ППВС) во главе с подполковником Дониером Бегалиевым. Группа юношей в эти дни готовится к сдаче выпускных экзаменов в местной автошколе ОСО «Ватанпарвар», где они в течение пяти месяцев осваивали профессии водителя, электромоториста, водителя автокрана. А Авазбек Нурматов, Икболжон Мадалиев и Шухрат Абдукадыров занимаются на спортивной базе парашютного клуба оборонного общества, чтобы совершить первые самостоятельные прыжки под куполом и претендовать на призыв для прохождения срочной службы в подразделении десантников.

Ответственного исполнителя отделения призыва сержанта по контракту Ильхома Мирзакаримова в эти дни часто можно встретить за разговором с будущими воинами. Юнусабадцы живо интересуются тем, как после срочной службы можно оформить контракт, ведь военные профессионалы в последние годы пользуются все большей популярностью в молодежной среде. Немало среди призывников и обладателей дипломов о высшем образовании.


– Давление в норме, – вердикт терапевта Зумрад Сагатовой порадовал выпускника Ташкентского университета информационных технологий Бахтиера Якубова. Он очень хочет пройти школу армейской закалки, да и здоровье вполне позволяет выполнить свой долг перед Родиной. Вот и врач-окулист Дильноза Эргашева, проверив зрение Акбара Бекмуратова, пришла к выводу о том, что выпускник Ташкентского аграрного университета годен для прохождения срочной службы.

Уже четверть века трудится во имя укрепления обороны помощник начальника отделения призыва Дильбар Ашурова. В вопросах подбора документов из обширной картотеки начальник РОДО может положиться на опытного сотрудника во всем.

Маленький, но весьма красноречивый факт из итогов предыдущего призыва для Юнусабадского района столицы: ни один из призывников не был возвращен из войск по состоянию здоровья и другим причинам. Этого можно достигнуть только в результате качественной предварительной работы по подготовке к призыву.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**





«АРМИЯ – ҲАЁТ МАКТАБИ»

Яқинда Мудофаа вазирлигида «Армия – ҳаёт мактаби» дея номланган муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларга мўлжалланган кирилл, лотин алифбосидаги ўзбек тилида ва рус тилида эслатма тайёрланди.



Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, бугун миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш ёшларимиз учун том маънодаги шон-шараф ишига, фахр-ғурурга айланмоқда. Ҳаёт мактаби ҳисобланувчи армия йигитларимизни ҳар томонлама тоблаб, уларни жисмоний, маънавий жиҳатдан чиниқтиряпти. Давлатимиз, Президентимиз томонидан она юрт посбонларига қаратилган устувор эътибор, бу борада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар миллий армиямизни ёшларимизнинг иродасини тоблайдиган, уларга оила ва зиё масканида олиб улгурмаган билим ва тарбияни ўргатадиган, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига айлантирмоқда. Чоп этилган эслатма таъкидланаётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг навбатдагиси бўлди.

Эслатмадан Давлатимиз мадҳияси, Ҳарбий қасамёд, Ўзбекистон аскарига мурожаат матнлари, шунингдек, Қуролли Кучларимиз ташкил топиши, унинг ҳуқуқий пойдевори, мудофаа соҳасидаги сиёсатимиз, ислоҳотларимиз билан боғлиқ маълумотлар, муддатли ҳарбий хизматчиларга яратилган имтиёзлар, уларнинг Умумҳарбий низомлар билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари кабилар ўрин олган.

Эслатмани ўқир экан, ўғлонларимиз миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини англашади, ўз ҳақ-ҳуқуқларини, мажбуриятларини билиб олишади. Олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш истагидагилар мазкур эслатмадан ўзларига керакли маълумотларни олишади. Бир сўз билан айтганда, ёндафтарча шаклида чоп этилган эслатма аскарнинг доимо ёнида бўлиб, унинг энг яқин ҳамроҳи, маслакдошига айланади. Қолаверса, аскарларимиз ота-оналари учун армиямиз ҳаётини яқиндан билишда муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган Қарорига мувофиқ ҳадемай навбатдаги чақирув амалга оширилади. Демак, сафларга қўшилажак ўғлонларимиз мазкур эслатма билан танишишар экан, Ватани – Ўзбекистони олдидаги фарзандлик бурчларини янада шараф-ла, янада фахр-ла ўташади.

Ўз мухбиримиз.

МАЛОҲАТЛИ, МАТОНАТЛИ ЕЛКАДОШЛАР













(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, мамлакатимиз спортини ривожлантириш ишида катта ҳисса қўшган, нуфузли халқаро мусобақа майдонларида Давлатимиз мадҳияси маҳоратлари туфайли янграган ҳарбий спортчи қизларимиз номини ҳурмат билан тилга олмаслик мумкин эмас. Ҳарбий спортчи қизларимиз Екатерина Хилько, Анастасия Журавлёва, Алена Аксеновалар ўз маҳоратлари билан Ўзбекистон довруғини яна оламга ёймоқдалар.

Энг муҳим ва олижаноб, шарафли ишларимизда илҳомбахш куч бўлган, миллий армия сафларида бурчларини садоқат билан бажараётган ҳарбий аёлларни, Қуролли Кучларда олиб борилаётган изчил ислоҳотларга фидойиларча ҳисса қўшаётган барча юртдош аёл-қизларимизни нафосат ва гўзаллик байрами 8 март билан самимий муборакбод этаман.

Шундан сўнг Ватан ҳимоясидек шарафли ишга фидокорона хизматлари билан салмоқли ҳисса қўшаётган бир гуруҳ аёл-қиз ҳарбийлар ва Қуролли Кучлар хизматчиларига Мудофаа вазирининг ва Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруқлари билан қимматбаҳо эсдалик совғалари, пул мукофотлари топширилди.

Тантанали тадбир иштирокчиси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Жанил Нурманова ҳам хизматда эришган ютуқлари учун тақдирланганлардан бири. У Шимолий-ғарбий ҳарбий округнинг подполковник Қаҳрамон Содиқов етакчилик қилаётган энг илғор ҳарбий жамоасида хизмат қилади.

– Ҳарбий аёл-қизларга кўрсатилаётган бундай эътибордан мамнунмиз, – дейди у. – Камтарона хизматим кўпчилик ўртасида эътироф этилганидан тўлқинланиб кетдим. Ўз навбатида бундан буён ҳам севимли касбимни янада катта масъулият, садоқат билан давом эттираман.

– Мудофаа вазири табрик сўзида биз аёл-қизларга нисбатан сафдош-елкадош, янада улкан муваффақиятларга, зафарли юмушларга ундовчи илҳомбахш куч дея таъриф берганида ғурурланиб кетдим, – дейди Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округдан келган илғор кичик сержант Зебо Қўлдошева. – Бундай таъриф, бундай ҳақли эътирофни эшитиш, албатта, кўнгилли. Тадбир Ватан ҳимоясидек улуғ ишда бизнинг ҳам салмоқли ўрнимиз бор экандигини тантанавор тарзда, гўзал фикр-мулоҳазалар билан яна бир бор англатди.

Тантанали тадбирда республика Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли жамоасининг дилбар куй-қўшиқлари тадбирга алоҳида файз бағишлади.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ
олган суратлар.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ЭЛ ХИЗМАТИН ЭЪЗОЗЛАБ

Фарғона вилояти Риштон тумани Сухобод қишлоғида бир оила борки, унга кўпчилик ҳавас қилади. Чунки бу оилада ўсиб улғайган ўн икки нафар фарзанд ўзларининг аҳиллиги, одоб-ахлоқи, муҳими, юртга садоқатлилиги билан қишлоқ ёшларига ўрнак бўлган десак, муболағa бўлмас. Бу ерда албатта оила бошлиқлари Ўринбой ака ва Ҳайитхон аяларнинг беназир меҳнатларини тилга олмоқ жоиз. Ахир ўн икки нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб, уларга тўғри тарбия беришнинг ўзи бўладими? Умри тинимсиз меҳнатда ўтган соддадил Ўринбой ака фарзандларининг бирини елкасида кўтариб, бирини қўлида опичлаб эркалар экан, уларнинг келажакда етук касб эгалари бўлишини Яратгандан тинимсиз сўрарди. Лекин фарзандлари аста-секин улғайиб, ҳаётда бирин-кетин муваффақиятга эришганини кўриш, улардан фахр ҳиссини туйиш, отага насиб этмади. Бундай улкан туйғуни оиланинг ёлғиз таянчи Ҳайитхон ая бир ўзи ҳис қилди. Шунда турмуш ўртоғи ва ўзининг йиллар давомида қилган машаққатли меҳнати бесамар кетмаганини қалбининг туб-тубидан англади.

Абдужаббор мазкур оилада улғайган етти нафар азаматнинг бири. У нафақат оилада, балки ўртоқлари даврасида ҳам ўзининг бир сўзлилиги, қатъиятлилиги билан доимо ажралиб турарди. Йигитча ёшлигидан негадир фақат бир сўзни такрорларди. Ундан «Келажакда ким бўласан?» деб сўрашса, жавоби лўнда ва аниқ эди. «Мен катта бўлсам, ҳарбий бўлиб, юртимни ҳимоя қиламан», дерди. Мактаб ўқитувчилари бунга шубҳа қилишмасди. Чунки улар юртга садоқатли, аҳдли посбонлар айнан Абдужаббордек қатъиятли ўғлонлардан чиқишини яхши билишарди. Йигит муддатли хизматни 1993 йилда разведкачилар бўлинмасида ўтаб, ўзи орзу қилган шарафли касбда хизмат қилиш нақадар завқли эканлигини англади. Шу боисдан бўлса керак, командирлари томонидан топширилган ҳар бир машғулотларни қунт билан уддалар эди. Бундан ташқари, ҳарбийлик кўникмаларини ўзлаштиришда посбонга офицер Руслан Маметовнинг сабоқлари анча қўл келди. Абдужаббор айнан ушбу устозининг маслаҳати ва беминнат кўмаги ила ўзи йигитлик бурчини адо этган ҳарбий қисмда шартнома асосида хизматга қолди. Ҳарбийлар учун янги сафдошлар орасида хизмат қилиш янгилик эмас. Инсон қаерда бўлмасин киришимли, хушмуомала, асосийси, ўз ишининг устаси бўлса, у албатта ҳар қандай янги жамоада ўз ўрнини яратади. Айнан ушбу хислатларни ўзида мужассам қилган фарғоналик йигит алоқачилар батальонида старшина вазифасида ҳам яна разведкачилар бўлинмасидаги масъулиятли хизмати вақтида ҳам тиришқоқлиги, уддабуролиги ва талабчанлиги билан барчага намуна бўлди. Ҳозир у Шарқий ҳарбий округдаги майор Бахтиёр Сапаров командирлик қилаётган ҳарбий қисмнинг энг илғор шунқорларидан. Йигит гуруҳ командири ўринбосаридек ўта масъулиятли вазифани зиммасига олиб, ўқув мавсумларида гуруҳининг етакчи ўринни эгаллашига ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бунда албатта унинг кўп йиллик тажрибаси қўл келмоқда.



– Гуруҳимиз зиммасига ўта мураккаб вазифа юклатилган бўлиб, бу – ҳар бир посбондан юксак ақл-заковат эгаси бўлмоқликни талаб қилади, – дейди гуруҳ командири катта лейтенант Собир Қаландаров. – Шу туфайли ҳам гуруҳимизда ҳарбийликка тасодифий келиб қолганлар эмас, балки ўзига ишончи зўр, зукко посбонлар хизмат қилади. Гуруҳда бу мураккаб соҳанинг етук мутахассиси сифатида шартнома бўйича хизмат сержанти Абдужаббор Юнусов тан олинади. Шунқор ўтган ўқув машқларида юқори натижани қайд этиб, ишончимизни оқлаб келмоқда. Унинг жорий йил юксак давлат мукофоти – «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланиши бунга яққол мисолдир. Абдужаббор билимдон мутахассис бўлишига қарамай ўз устида тинимсиз изланишдан тўхтамай, машқларда маҳоратини тоблаб бормоқда.

Лавҳамиз бошида Абдужабборнинг оиласи ҳақида ҳикоя қила туриб, уни оиладаги етти азаматнинг бири сифатида тилга олдик. Буни қарангки, ушбу каттагина оилада ўсиб-улғайган оға-иниларнинг олтитаси юрт ҳимоясидек машаққатли ишга камарбаста. Сулоланинг тўнғичи Мавлонбек подполковник унвонида ҳарбий қисм командири, иккинчи акаси Баҳодир коллежда Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш фанидан талабаларга сабоқ беради. Ундан қичиги шартнома бўйича хизмат сержанти Шавкатжон эса Чегара қўшинларида взвод старшинаси. Яна бир акаси сержант – Ҳаётжон Олтиариқ туманида Ички ишлар вазирлигига қарашли қўриқлаш бўлимида хизмат қилиб келмоқда. Укаси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Дониёржон эса Марказий ҳарбий клиник госпиталида фельдшер бўлиб, хасталарга шифо бермоқда. Бир сўз билан айтганда, оила фарзандлари отаси орзу қилгандек эл хизматида. Бундан ҳар қанча фахрланса оз.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Энг илғор взвод командири

ҲУШЁРЛИКДИР УНИНГ ШИОРИ

Марказий ҳарбий округда хизмат қилаётган капитан Шерзод Усмонов «Энг илғор взвод командири» номинациясида ғолиб чиқиб, Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллик тўйида муносиб тақдирланди.





– Ёшлигимда дадамни ҳарбий либосда кўриб, мен ҳам албатта келажакда ҳарбий бўламан, деб ўзимга-ўзим онт ичгандим, – дейди Шерзод. – Дастлаб ота-онам бу касб машаққатли, дея қароримдан қайтаришмоқчи бўлишган. Лекин ниятим қатъийлигини англашгач, мени қўллаб, 1994 йилда Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи республика лицейига олиб келишган. Бу ерда олган билимларим Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга киришимда анча қўл келди.

Андижоннинг қатъиятли, танти ўғлонларидан бўлган Шерзод ҳарбий билим юртидалигидаёқ ўз истеъдодини намойиш этиб улгурди. Яъни у нафақат хулқ-атвори билан, балки барча фанлардан юқори натижани қайд этиш баробарида дўстларига намуна кўрсатиб, билим юртини имтиёзли диплом билан тугатди. Сўнгра эгаллаган билим ва кўникмаларини дастлаб алоқачилар қисмида амалиётда қўллади. Қўриқлаш взводи командири лавозимида хизматини бошлаган ёш офицер қисқа фурсат ичида қўл остидагилар билан ҳамжиҳатликда ўқув мавсумининг пешқадамига айланишди. Энди ҳарбийликнинг ҳадисини олган йигит учун янги сафдошлар билан хизмат қилиш ҳам у қадар қийинчилик туғдирмасди. Шу боисдан ҳам офицер Усмонов Самарқанддаги сержантлар тайёрлаш мактабида кўтаринки кайфиятда хизматини давом эттирди.

– Капитан Шерзод Усмонов ишининг кўзини биладиган офицерлардан, – дейди лавҳамиз қаҳрамони ҳақида сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи офицер Самад Солиҳов.

– Унда бугунги замон профессионал ҳарбийидан талаб қилинадиган барча хислатлар мавжуд. Ҳушёрлик, тезкорлик, аниқ ҳаракат, вазиятни тўғри баҳолай билиш айнан у етакчилик қилаётган бўлинмага хос. Қишки ўқув мавсумида улар етакчиликни ҳеч кимга беришмоқчи эмас. Чунки бу гуруҳ шунқорлари орасида Шерзодга ўхшаган, замонавий жанговар санъатда анчамунча қийинчиликни тан олмайдиган, маҳоратли, билимдон посбонлар бисёр.

Дарҳақиқат, мунтазам машқларда тобланган йигитлар ўз вазифаси нимадан иборат эканлигини яхши билишади. Бу ҳақда капитан Усмоновнинг ўзи шундай дейди:

– Машқларда интизомнинг ўрни катта. Взводимиз қанчалик яхши натижага эришаётган бўлса, буларнинг барчаси ўзаро бир-бирини тушуниш, қўллаб-қувватлаш, аҳиллик ҳамда интизомлилик орқали амалга ошмоқда. Шу ўринда айтмоқчиманки, юрт мудофаасига камарбаста бўлган ҳар бир посбон юксак даражада тайёргарлик кўрган, бурч ҳиссини қалбдан туювчи, маънавияти гўзал ҳамда баркамол инсон бўлмоғи лозим. Мана шундай йигитлар сафларда қанчалик кўп бўлса, бўлинма доимо илғорлар сафида бўлади.

Офицернинг фикрларига эътибор қаратадиган бўлсак, у командирлик қилаётган взводнинг ҳамиша илғорлар сафидан жой олишининг сири аён бўлади. Демак, етакчи офицер ўқув мавсумларида юқори поғоналарни забт этиш учун нафақат қўл остидаги шунқорларнинг жисмоний ва тактик тайёргарлигига, балки она Ватанни ардоқлашга, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга безътибор бўлмасликка ва энг муҳими, доимо ҳушёрлик ва сергакликни мунтазам ошириб боришга даъват қилади.

Ҳа, бугун ҳушёрлик давр талаби. Айни дамда дунёни ларзага солиб турган терроризм деган жирканч иллат юртимизни четлаб ўтади, дея ким кафолат бера олади.

Демак, миллий армиямиз сафларида капитан Шерзод Усмонов сингари мард, юрт учун фидойи ўғлонлар бор экан, бундай бало-қазо халқимиз тинчлигига ҳеч қачон раҳна сололмайди.

Шерзод бўш вақтларида спорт билан ҳам мунтазам шуғулланиб туради. Округда эркин кураш бўйича унинг олдига тушадигани топилмайди. Қаҳрамонимиз 2004 йил Қуролли Кучларда илк бора ташкиллаштирилган Умумармия ўйинларида иштирок этиб, округда биринчи ўринни қўлга киритди.

Шерзод Усмонов ҳақида батафсилроқ айтадиган бўлсак, отаси Ҳусанбой ака дастлаб ҳарбий бўлган, кейинчалик агрономлик касбида ўз фаолиятини давом эттирди. Онаси Маҳбубахон опа умумтаълим мактабида болаларга илм бериб, нафақага чиқди. Ҳаёт йўлларида ҳалоллик ва эзгуликни шиор қилиб олган она бошлиқлари болаларини поклик ва мурувватга йўғрилган меҳр билан тарбиялаб, камолга етказишди. Онлада Шерзод ҳарбийликни танлаганидан сўнг, унинг изидан акаси Дилшод ва укаси Нурмуҳаммадни ҳам бу касб оҳанрабодек ўзига жалб қилди. Улар ҳам ҳарбийликни ўзига шараф билиб, юрт ҳимояси йўлида хизмат қилишмоқда.

Ҳасан КОМИЛОВ.

Изучаем праздничное поздравление Президента

ВАЖНЕЙШАЯ ПРИОРИТЕТНАЯ ЗАДАЧА РЕФОРМИРОВАНИЯ

Достижения экономики нашей страны за прошлый год создают благоприятные условия для дальнейшего углубления реформ на основе определенных Президентом приоритетов, в том числе и в Вооруженных Силах. В рамках этих достижений в праздничном поздравлении Президента защитникам Родины была сформулирована пятая, масштабная по своей значимости задача. Суть ее в следующем: «Рассматривать как важнейшую приоритетную задачу реформирования армии оснащение войск самым современным вооружением и техникой, специальным имуществом и снаряжением, обеспечивающими высокую их боеспособность, эффективность, маневренность и самодостаточность. Продолжать работу по модернизации военной техники и вооружения, укреплению материально-технической базы войск в соответствии с современными требованиями».

Эта задача вытекает из того очевидного факта, что высокая и техническая оснащенность является важнейшим слагаемым боевого потенциала Вооруженных Сил. При этом Вооруженные Силы должны представлять собой гибкую, мобильную стратегическую силу, способную одержать победу в результате эффективного использования имеющегося вооружения и боевой техники, тактического маневра, внезапности и точности поражения противника. Важнейшим фактором здесь выступает количество и качество вооружения и военной техники. В своей книге «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса» Президент И.А.Каримов указал, что Вооруженные Силы, чтобы выполнить свое историческое предназначение по защите независимости и мирной жизни нашего народа, **должны обладать определенной боевой мощью и высокой боеспособностью.** Из каких факторов складывается боевая способность Вооруженных Сил?

Первым фактором глава нашего государства называет численность и качество личного состава, которые определяются степенью его подготовленности, прежде всего профессионализмом, морально-психологическим уровнем, физической подготовленностью и дисциплинированностью.

Второй фактор – количество и качество оружия и боевой техники, являющиеся важнейшим элементом боевой мощи Вооруженных Сил.

Другими словами, профессионально подготовленные, беспредельно преданные идеалам независимости, Родине, народу и Президенту люди и современные, надежные оружие и боевая техника способны обеспечить национальную безопасность страны. **Рациональная безопасность – это гарантированная защищенность жизненно важных интересов Республики Узбекистан, прав и свобод граждан от внешних и внутренних угроз.**

С точки зрения внутренней политики, эти вопросы решаются путем укрепления демократических институтов и прежде всего негосударственных структур, в которых находит свой выход гражданская активность населения.

С точки зрения внешней политики, тут наибольшую опасность сегодня представляют международные террористы и религиозные экстремисты. При этом надо иметь ввиду, что террористическая активность этих сил не только не снижается, а наоборот, возрастает, принимая, как правило, самые бесчеловечные формы. **Это обстоятельство выдвигает обороноспособность нашего государства и боевую готовность Вооруженных Сил в разряд наиважнейших условий обеспечения национальной безопасности страны, мира и стабильности в регионе в целом.**

Анализ потенциальных угроз безопасности со стороны международного терроризма, характер и особенности вооруженных конфликтов, современная военно-политическая обстановка в регионе показывают, что реальным экономическим возможностям и ресурсам Узбекистана в полной мере соответствует структура компактных, мобильных, самодостаточных Вооруженных Сил, созданных в ходе военной реформы, способных с минимальными потерями отразить любую агрессию, в какую бы форму она ни рядилась, любые вылазки международных террористов и религиозных экстремистов, других деструктивных сил за счет умелого использования информационных средств и компьютерных технологий, всех видов разведки и эффективного поражения противника. Сегодня мы можем смело утверждать, что военная реформа дала свои позитивные результаты. **В основе успехов военной реформы лежат глубоко продуманная программа кардинального реформирования и модернизация Вооруженных Сил и научно обоснованные, жизненно необходимые приоритеты преобразования всех сторон жизнедеятельности войск в ходе поэтапного претворения в жизнь всех составляющих этой долгосрочной программы.**

Вопросы оснащения и переоснащения войск базируются на технологическом, экономическом и промышленном потенциале страны, то есть на экономической мощи государства. Отсюда и стратегические цели и задачи оснащения Вооруженных Сил, важнейшими из которых являются:

– планомерное и последовательное оснащение войск новыми и новейшими видами оружия и боевой техники, передовыми информационными и компьютерными технологиями;

– решение задач модернизации существующего парка боевых машин, совершенствование их боевых возможностей;

– повышение технического уровня ремонта и эксплуатации оружия и боевой техники;

– развитие научно-промышленного потенциала, освоение собственного производства вооружения и боевой техники.

Основными приоритетами военно-промышленного переоснащения являются: средства огневой поддержки и поражения; средства доставки и эвакуации; средства контроля, связи и управления; средства экипировки и подготовки личного состава, то есть постоянное совершенствование материально-технической базы войск в соответствии с современными требованиями.

Мы исходим из того, что **в современных условиях безопасность может быть только коллективной.** Этому, в частности, служит и союзнический договор с Россией, заключенный по инициативе Президента И. Каримова. В его рамках будут решаться и многие вопросы оснащения войск. Но то, что безопасность может быть только коллективной, нисколько не снижает ответственности государства за состояние Вооруженных Сил страны. Эту задачу как раз и решает кардинальная военная реформа. Она не просто впитала в себя национальные особенности государства и менталитет народа, она носит комплексный характер, охватывает все стороны жизни и деятельности войск. Она осуществляется координированно, в единстве с реформами в экономике, политической жизни, социальной сфере, проводится с высоким качеством.

При этом **на одно из первых мест в военной реформе поставлен вопрос профессионализма.** Какой бы прекрасной ни была боевая техника, каким бы мощным ни было современное оружие, успех боя, операции, кампании решают люди, владеющие этим оружием и техникой, беспредельно преданные идеалам независимости, верные Родине, народу и Президенту. Поэтому мы можем еще раз подчеркнуть, что **высокая техническая и информационно-технологическая оснащенность и воинское мастерство – важнейшие слагаемые боевого потенциала Вооруженных Сил.** Поэтому важнейшая задача военных кадров состоит в том, чтобы **сформировать у воинов осознанное понимание того, что все это боевое оснащение, специальное имущество, снаряжение, форма одежды, материальное обеспечение и питание – результат труда нашего народа, наших сограждан, родных и близких воина, его сослуживцев.**

Важное значение имеет также **воспитание у воинов любви к своему оружию и боевой технике, веры в их боевые возможности.** А значит, **у каждого воина должно быть высоко развито чувство личной ответственности** за изучение, использование, сбережение боевых машин, аппаратуры, приборов, оружия.

Воспитанию любви к оружию и боевой технике надо уделять повседневное внимание, использовать для этого все виды занятий по боевой и общественно-политической подготовке, другое свободное от занятий время. Надо научиться владеть оружием в совершенстве. Можно быть смелым, храбрым, но если не умеешь применять оружие, управлять боевой машиной, можно оказаться бессильным в бою. Поэтому надо активнее участвовать в соревновании, в состязаниях на звание лучшего по специальности, в различных конкурсах, викторинах и т.д.

Только настойчивость, целеустремленность, упорство и труд помогут военнослужащему стать подлинным профессионалом, способным успешно решать стоящие перед Вооруженными Силами задачи. **Главной задачей защитников Родины, как было подчеркнуто на недавнем семинаре, который проводился в Министерстве обороны, является дальнейшее повышение эффективности и качества оперативной, командирской и боевой подготовки, совершенствование профессиональной выучки личного состава, поддержание постоянной боевой готовности подразделений, соединений и объединений для обеспечения укрепления экономической мощи страны, мира и спокойствия на нашей земле, мирного созидательного труда граждан Республики Узбекистан.**

Чтобы быть на высоте этой ответственной задачи, надо добросовестно выполнять свой воинский, гражданский и конституционный долг и отдавать этому благородному делу всего себя без остатка, верно служить своей независимой Родине, народу и Президенту.

Анфим ХЛЫЗОВ.

ПИСЬМА ЧИТАТЕЛЕЙ

УЧИМСЯ АНАЛИЗИРОВАТЬ

Выступление Президента Республики Узбекистан на последнем заседании Сената Олий Мажлиса внимательно изучается личным составом подразделений нашей воинской части. Конечно, отрадно, что нашими сенаторами за такой короткий промежуток времени удалось выполнить довольно большой объем работы. А утверждение Сенатом кандидатур Премьер-министра, Генерального прокурора республики красноречиво свидетельствует о четком разделении функций между палатами нашего парламента в рамках требований современности.

Вместе с тем, сказанное главой государства в Сенате настраивает всех нас на критический анализ своей деятельности. В частности, для нас, офицеров-воспитателей, очень ценными являются пожелания Президента при проведении различных семинаров и конференций не ограничиваться только констатацией общеизвестных и общепризнанных фактов, а вносить на рассмотрение реальные и конкретные предложения, которые смогут в будущем благотворно отразиться на воспитательном процессе.

Подполковник Алишер КЛЫЧЕВ, заместитель командира части по воспитательной работе (Юго-Западный особый военный округ).

ҚОНУНГА ЭЪТИБОР

Нукус гарнизони офицерлари уйида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қисм ва муассасалари командирлари иштирокида мувофиқлаштирувчи кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни округ қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Шуҳрат Тўхтаев бошқариб борди.

Мазкур кенгаш асосан 2005 йил якунларига бағишланиб, унда округ ҳудудидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда жанговар шайлик, ҳарбий интизом масалалари, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда қонунийликни таъминлаш бўйича қилинган ишлар борасида сўз юритилди. Округ ҳарбий прокурори, адлия майори Пўлат Қурбанёзов ўтган йилда ҳарбий хизматчилар томонидан содир қилинган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар сони ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан кўрилган чоралар туфайли кескин камайганлигига тўхталиб ўтди.

Майор Раҳим Ахтамов ўз сўзида ҳозирги кунда диний экстремизм ва халқаро терроризм хавфи Қуролли Кучларимизнинг жанговар шайлиги ва ҳарбий тайёргарлигини янада кучайтириш ва такомиллаштиришни талаб этишини айтиб ўтди.

Кенгашда бир қатор ҳарбий қисм командирлари ва муассасалар бошлиқлари сўз олишиб, қонунбузарлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ўз фикрларини билдиришди.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Аманбай АРЗИЕВ. Нукус гарнизони.

СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ЭҲТИРОМ

НАРАВНЕ С МУЖЧИНАМИ



На бронетанковом ремонтном заводе вся колесная и гусеничная техника получает второе «рождение». Благодаря самоотверженному труду заводчан боевые машины своевременно возвращаются в строй и готовы к дальнейшей эксплуатации в умелых руках защитников Родины для выполнения поставленных задач.

В том, что качественно отремонтированная техника сдается в воинские части точно в срок, есть и большая заслуга женщин, работающих на этом предприятии. Возьмем, к примеру, машиниста мостового крана Зинаиду Старосельцеву. Крановщицей она работает более 24 лет, без срывов обеспечивая выполнение любого задания. Трудовой же стаж слесаря-электрика Алевтины Платоновой исчисляется 34 годами. После окончания индустриального техникума она ни разу не изменила избранной профессии. Последние 4 года А.Платонова самоотверженно трудится на заводе. Всегда охотно делится своим богатым опытом с молодежью. К ней за советом обращаются и многие военнослужащие по контракту, а порой даже и офицеры.

Много теплых слов от командования довелось услышать и в адрес комплектовщиц Ольги Савиных и Зинаиды Зелль. Они грамотно, со знанием дела комплектуют необходимые узлы, детали и агрегаты бронетанковой техники.

О рабочем настрое представительниц прекрасной половины человечества на производстве, об их отношении к работе говорит Зинаида Старосельцева:

– Мы тоже вносим весомую лепту в защиту нашей любимой Родины, в укрепление ее боевой мощи, в то, чтобы над нами всегда было ясное голубое небо. Пусть все знают, что и женщины, если это необходимо, могут освоить работу на сложных станках, ремонтировать технику, словом, ни в чем не уступать мужчинам.

Наверное, нет такого человека на заводе, кто бы не знал опытнейшего инженера-диспетчера из планового отдела Лидию Теплякову. Вот как о ней отзывается заместитель начальника завода по воспитательной работе подполковник А.Куранбаев:

– Лидия-апа не только специалист высочайшего класса, но еще и опытнейший наставник молодежи. Техник по планированию Гуляра Ережепова, к примеру, очень благодарна старшей коллеге по цеху за то, что она всегда делится своими знаниями, а если есть необходимость, не считаясь со своим личным временем, объясняет суть вопроса до полного прояснения.

Вот так самоотверженно трудятся на этом ответственном участке милые женщины, делая все для того, чтобы крепла мощь наших Вооруженных Сил, чтобы краше и богаче становился родной край.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

ҲОЗИРЖАВОБ МУХБИР



«Ватанпарвар» газетасининг мухбири, Қуролли Кучлар хизматчиси Инобат Иброҳимовани бугунги кунда фақат ҳарбийлар эмас, кенг жамоатчилик яхши билишади. Унинг имзоси билан Қуролли Кучлар соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўз постларида ҳушёр туришган Ватан ҳимоячилари тўғрисидаги таҳлилий мақолалар, лавҳа ва очерклар республикамиздаги марказий матбуот органларида тез-тез чоп этилиб турибди.

– Мен Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органида хизмат қилаётганимга уч йилдан ошди, – дейди Инобат. – Ана шу вақт ичида турли гарнизонларда ижодий сафарларда бўлиб, ўз тақдирларини машаққатли, лекин шу билан бирга шарафли касб – ҳарбийлик билан боғлашган Ватан ҳимоячиларининг фаолияти билан яқиндан танишиб, қўлимдан келганча газета саҳифаларига олиб чиқаяпман.

Инобатнинг ёзганлари содда, равон. Энг муҳими, зарур фактни, қизиқарли ҳолатни топишни ва ўқувчиларни ўзига тортадиган тарзда қоғозга туширишни яхши билади. Узоққа бориб ўтирмайлик, унинг яқинигинада газета саҳифаларида ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган «Армия– менинг ҳаётимда», «Миллат оналари тарбиялаган шерюраклар» номли туркум мақолалари муштарийлар томонидан жуда қизиқиш билан ўқилди. Буни таҳририятимизга келган мактублар ҳам исботлаб турибди.

Бир сўз билан айтганда, Инобат Иброҳимованинг кундан-кунга қалами чархланиб, ёзганлари ўқишли бўлиб бораётир.

Биз ҳамкасбимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин дилдан муборакбод этиб, ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

БОСМАХОНА МАЛИКАЛАРИ

Мудофаа вазирлиги қошидаги босмахонадамиз. Хизматчи аёлларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бу ердаги турли хил жараёнлар асосан тик оёқда туриб бажарилишига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, «аёллар» сўзига алоҳида урғу берганимизда ҳам ўзига хос маъно бор. Яъни босмахонадаги асосий кучни аёллар ташкил этади. Келинг, улар ҳақида тўхталишдан аввал ушбу босмахона ҳақида қисқача маълумот бериб ўтайлик.

Бу ерда асосан Мудофаа вазирлиги томонидан тақдим этилган турли хил буйруқлар, ҳужжатлар, қўлланмалар саҳифаланиб, буюртмачиларга топширилади. Булар тайёр ҳолга келгунга қадар бир қатор жараёнлар амалга оширилади. Макет тайёрлаш, нусха кўпайтириш, саҳифа ҳолига келтириш, муқовалаш ва тикиш шулар жумласидандир. Биз босмахонанинг муҳандис-технолог Гулбаҳор Собирова билан биргаликда ушбу соҳада узоқ йиллик тажриба ва малакага эга бўлган хизматчилар билан танишиб, суҳбатда бўлдик.

Замонавий босмахона ускуналари орқали нусха кўпайтирувчи Зулхумор Сайдазова ва саҳифаловчи Мавлуда Бобохонова ҳар томонлама бир-бирига мос касбдошлардан. Бу икки дугона дастлаб «Шарқ» нашриётида фаолият юритиб, ўз вазифаларининг сир-асрорларини мукаммал эгаллашган бўлса, мана саккиз йилдирки, ушбу босмахонанинг фаол хизматчиларидан. Улар ҳақида суҳбат кетганда фақат ижобий фикрларга эга бўлдик. Шунингдек, бу ходимларнинг хизматдаги фаолиятини кузатган ҳар қандай инсон улар ўз вазифаларининг устаси бўлиши билан бирга, сидқидилдан ҳаракат қилишларига амин бўлади.

Босмахонанинг зарҳал ҳарф терувчиси Светлана Королёва билан танишув жараёнида эса Гулбаҳор «Энг тажрибали ва ёшлар учун багрикенг устозларимиздан бири», деган сўзни алоҳида таъкидлаб ўтди. Албатта устозлик даражасига эришган инсон учун йиллар давомида шаклланган тажриба мактаби керак бўлади. Бу борада ўттиз йилдан буён шу соҳада хизмат қилиб келаётган Светлана Павловнага тан бериш лозим. Дастлаб Тошкент картография фабрикасида ҳарф терувчи ва саҳифаловчи бўлиб хизмат қилган бўлса, айни дамда Мудофаа вазирлиги босмахонасининг малакаси юқори ва интизомга қатъий риоя қилувчи ходимларидан.

Биз хизматчилар билан танишув жараёнида шуни англаб етдикки, бу ердаги ишчиларнинг деярли барчаси турли босмахоналарда хизмат қилиб тажриба орттиришган. Махсус машина-ускунада муқова тайёрловчи Неля Галавина ҳам ўз вазифасида иқтидорли ходимлардан. Унинг ишдаги фаоллигига ҳамроҳимиз алоҳида урғу бериб ўтди.

Босмахона ўз мусаҳҳиҳига ҳам эга. Тамара Юлдашованинг бу соҳада хизмат қилаётганига йигирма йилдан ошган. Албатта ушбу гўшадаги ҳар бир ходим тўғрисида алоҳида суҳбат юритиш учун бизда имконият мавжуд эмас. Яхшиси, бу ҳақда муҳандис-технолог Гулбаҳор Собированинг сафдошлари ҳақидаги фикрларига эътибор қаратайлик.

– Кўриб турганингиздек хизматчиларимиз аёллардан ташкил топган. Барчалари ўз соҳаларида билимдон, иқтидорли ходимлар. Шунингдек, бу ердаги қатъий тартибга барча бирдек амал қилади. Вазирлик томонидан биз – аёлларга кўрсатилаётган эътибор ҳам шунга яраша албатта. Барчамизнинг мақсадимиз эса битта – вазифамизни аъло даражада уддалаб, доимо ишончга сазовор бўлиш.

Чаққон ва аниқ ҳаракат қилаётган аёлларни кузатар экансиз, юзларида мамнунлик, хотиржамлик ва кўзларидаги меҳрни кўриб, беихтиёр кўнглингиз ёришади. Аёл бор жойда нурафшонлик мужассам, деб шуни айтишса керак.

Биз суҳбатимиз сўнгида Мудофаа вазирлиги босмахонасида хизмат қилаётган барча гўзал аёлларимизни 8 март – севимли байрамлари билан қутлаб қоламиз. Ва албатта, омаду қувонч доимо уларга ёр бўлсин, дейминз юракдан.

Зулфия НОСИРОВА.





«ҲАРБИЙ ПОЧТА» БОШЛОВЧИСИ

Мавлуда Раупова ҳали Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида ўқиб юрган чоғларидаёқ мухбирлик фаолиятини бошлаб юборган эди. У факультетнинг «Журналист» ўқув газетасини чиқаришда бош-қош эди. Шу боис ҳам ўқишни тамомлагач, тезда тилга тушди. Кўп сонли мухбирлар гуруҳи орасида ўз ўрнини тез олди.

– Мен, – дейди Мавлуда, – бугунги кунда телерадио журналисти сифатида фаолият юритяпман. Ўзбекистон телерадиоканали давлат унитар корхонаси мусиқий кўнгилочар дам олиш дастури муҳарририяти бўлим бошлиғиман. Шу билан бирга «Ватанпарвар» ҳарбий кўрсатувида «Ҳарбий почта» саҳифасини тайёрлаб келяпман. Мақсадим яхши кўрсатув ва эшиттиришлар муаллифи бўлиш.

Аслида, Мавлуда Раупова тайёрлаётган ҳар бир кўрсатув, ҳар бир эшиттириш сермазмунлиги, пишиқ-пухталиги билан ўқувчилар кўнглидан жой топмоқда. У тайёрлаётган «Ҳарбий почта» саҳифаси ҳарбийларимизга ҳам, ота-оналарга ҳам жуда маъқул келмоқда.

Турмуш ўртоғи «Мулкдор» газетасининг бош муҳаррири Сирожиддин Рауф Мавлуда тайёрлаётган материалларни маромига етказишда қўлидан келган ёрдамини аямайди.

Ишончимиз комилки, Мавлуда Раупова бундан кейин ҳам ўқувчиларбоп қизиқарли кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаб, катта ижодий ютуқларни қўлга киритаверади.

8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамингиз муборак бўлсин, Мавлуда!

Подполковник А. АЗИЗОВ.

2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ПАЙВАСТАДИР ДИЛДА ҚАТЪИЯТ, МЕҲР

Жорий йилнинг Юртбошимиз томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дея номланиши истиқлол машъаласи тобора юксакроқ порлаётган озод диёримизда қадриятларга кенг эътибор қаратилиб, халқимиз урф-одатларига мос меҳр ва мурувват туйғулари янада эъзозланаётганининг далил-исботидир. Ушбу пурҳикмат сўзлар замирида нечоғлик улкан маъно-мақсад мужассамлигини англаб олиш қийин эмас. Зеро, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, мурувватли бўлиш ҳамма замонларда ҳам ҳомийликнинг энг юксак тимсоли, таъбир жоиз бўлса, намунаси саналиб келинган. Башариятнинг бекаму кўст турмуш тарзи, тараққиёти ва фаровон ҳаёт кечиришида ўзига хос ўрин тутган шифокорларнинг беқиёс хизматлари ҳам ана шундай эзгу тамойилларга асосланган муҳим жиҳатлардандир. Танаси бирор дарддан азият чекаётган, саломатлиги жойида бўлмаган одамнинг ишида унум, кайфиятида кўтаринкилик, руҳиятида ўктамлик бўлганини ҳеч кўрганмисиз? Худди шундай пайтларда уларнинг мушкулини осон қилиб, дарддан фориғ бўлишларига восита бўладиган шифокорларни қадрлаш, уларга ҳурмат билдириш ва кимгадир ҳиммат қўлини чўзиб, қалбини чароғон этган аҳли савоб кишиларга ҳурмат ифодаси «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» жумласида мужассам топган бўлса, не ажаб. Мақоламизда ана шундай фидойи шахслардан бири – эгнига ҳарбий либосни кийиб, эр йигитлар билан бир қаторда юрт хизматига бел боғлаган ҳамшира қиз – шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Айгул Умбетова ҳақида сўз юритамиз.



Айгул айни пайтда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ сафарбарлик чақируви резервидаги йиғин батальони ҳамшираси вазифасида хизмат қиляпти. Соҳага қизиқиш туфайли кириб келган. Жанговар соҳанинг масъулияти, баъзан машаққатларга тўла бўлиши ҳам айнан шу қизиқиш туфайли қаҳрамонимизга сира қийинчилик туғдирмайди. Инсон саломатлиги посбони бўлишдек шарафли касб этагини тутган Айгул ўз бурчига фидойиларча ёндашиб, жонкуярлик билан бурчини адо этиб келмоқда. Айнан шифокорлар оиласида туғилгани ва бевосита ушбу касбнинг ўзига хос мураккаб томонларини ёшлигидан англаб вояга етгани учунми, унга соҳага юракдан ёндашишдек эзгу фазилат юққан экан. Ўрта мактабдаги таҳсил поёнига етгач, катта ҳаёт бўсағасида турган Айгул Нукус шаҳар тиббиёт билим юртига ўқишга ҳужжатларини топширди. Буни қарангки, омади чопган экан – талабалар сафига қабул қилинди. Ўқишдан кейин эса шарафли соҳа бўлган ҳарбийликни танлади. Барча кўрик-танлов шартларидан муваффақиятли ўтиб, 2002 йил февраль ойидан ҳарбий хизматчи сифатида фаолиятини бошлади.

– Ҳарбий соҳада хизматни бошлаганимда менга оғаларча ғамхўрлик қилиб, бу борада ўз маслаҳатлари ва тегишли тавсияларини аямаган тиббий хизмат катта лейтенанти Бахтиёр Машарипов, СЧР йиғини батальон командири капитан Искандар Омоновлардан доимо миннатдорман, – дейди у. – Умуман, қисмимизда аёлларни жуда ҳам ардоқлашади. Ҳарбийлар бизга ўз опа-сингилларидек муносабатдалар. Хизматдан ташқари шахсий юмушларга ҳам бемалол вақт топамиз. Эл-юрт корига бел боғлашим ота-онамга ва яқинларимга ҳам маъқул. Менга ҳавасманд қизлар, ҳарбий хизматга киришни истаган дугоналарим кўпчиликни ташкил қилади. Уларга маслаҳатим, агар қийинчиликлардан чўчимаса, бунга жазм қилишсин. Бунинг учун катта билим ва маҳорат, тоғдай улкан сабот керак. Ҳарбий хизматчи сифатида фаолият кўрсатаётган бўлсам-да, аммо ўқиш-изланишни асло тўхтатганим йўқ. 2003 йил Чирчиқ шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олиб келдим. У ерда бизга сабоқ берган устозларимиз – майор Хайрулла Убаев, майор Шерали Инъомов ва бошқаларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман. Истагим, бирга ўқиган дўсту дугоналар билан доимий алоқада бўлсак.

Айгул ҳарбий хизмат билан биргаликда ҳар бир аёл учун кундалик ҳаётда зарур бўлган пазандалик, тикиш-бичиш, рўзғор юмушлари кабиларни ҳам асло унутиб қўймаган. Қисмда эса меҳрибон шифокор сифатида каттаю кичикнинг ҳурматига сазовор. Ўз саломатлигини асраш мақсадида спорт билан мунтазам шуғулланади. Енгил атлетика машқлари, волейбол, баскетбол кабилар унинг севимли спорт машғулотларидан. Шифокор сифатида эса ҳар ким гигиена қоидаларига риоя этишини, ўз саломатлиги учун аввало ўзлари бефарқ бўлмаслигини истайди. Инсонлардаги қадрлайдиган фазилати – киши беҳисоб молу давлат эгаси эмас, дўстликни улуғловчи, ҳамкорини яхши тушунадиган, мард ва олижаноб бўлиши тарафдори.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

БОЛАЖОНЛАРНИНГ МУНОСИБ СОВҒАСИ

Майор Олег Зокиров бошчилик қилаётган Тошкент гарнизони офицерлар уйида азиз ва мўътабар онахонларимиз, севимли сингилу опажонларимиз айёми, яъни Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган қизиқарли тадбир бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги тарбиявий ишлар бўлими, шунингдек, гарнизон офицерлар уйи раҳбариятидир.

«Меҳрибоним – онажоним» шиори остида ўтказилган ушбу Болалар ижодиёти фестивалида Тошкент ва Чирчиқ гарнизонларидаги Мудофаа вазирлигига қарашли мактабгача тарбия муассасаларининг 130 нафардан зиёд тарбияланувчилари иштирок этдилар.

Улкан зални тўлдириб ўтирган томошабинлар – ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилувчи ҳарбийларнинг аёллари, фарзандлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мактаб ўқитувчилари ҳар бир ижодий чиқишдан, саҳнадаги санъаткорона ижродан, кую қўшиқлардан, жажжи ўғил-қизларнинг истеъдодидан олам-олам завқ олишди. Бироқ бу тадбирда ҳаммадан ҳам кўпроқ хурсанд бўлганлар айнан тарбияланувчиларнинг ўзлари бўлди. Уларнинг табассуми, шўх-шодон кулгуси, қувонч барқ уриб турган чеҳралари бунинг яққол исботи эди.

Меҳмонларнинг фикрлари билан қизиқамиз.

– Болажонларимизнинг ўз истеъдодларини намойиш этиш, кўплаб янги дўстлар орттириш, қолаверса, аёл зоти тараннум этилувчи, мадҳ қилинувчи шеърлар, қўшиқлар орқали 8 март байрамини муносиб қарши олиш имконини берган фестиваль ташкилотчиларидан биз – боғча ходимлари, болажонларнинг ота-оналари жуда миннатдормиз, – дейди 23-боғча услубчиси Дилором Ҳожиматова.

– Суюкли фарзандларимизнинг ранг-баранг чиқишларини кўриб ўзимнинг болалигим ёдимга тушиб кетди, – дейди кўринишидан 60 ёшни қоралаган онахон Саида опа Одилова. – Ўзим ҳам рақсга жуда қизиқардим. Айниқса, мумтоз куйлар жону дилим эди. Тўғрисини айтсам, ушбу тадбир мен учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди. Ширин ўғил-қизларнинг қувончини кўриш ҳар қандай инсон кайфиятини кўтаради, айниқса биз – аёллар юрагига илиқлик, севинч олиб киради.

Болалар ижодиёти фестивали сўнгида барча ёш қатнашчиларга махсус диплом ва совғалар топширилди. Тилагимиз, болажонлар қувончи, уларнинг роҳатбахш кулгуси қулоқларда жаранглайверсин.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
Подполковник Ярослав КОРУКА олган суратлар.





ДЕБЮТ ОКАЗАЛСЯ УДАЧНЫМ

Каждый праздник хорош по-своему. Среди них особенный – женский. А накануне 8 Марта он стал еще и спортивным. В детском спортивно-оздоровительном комплексе «Умид» Мирзо-Улугбекского района столицы состоялась традиционная Спартакиада среди женщин, работающих в различных министерствах страны, по пяти видам спорта (волейбол, бадминтон, настольный теннис, стритбол и мини-футбол).

Сразу хочется отметить, что Спартакиада с каждым годом набирает обороты. Если в прошлом году в соревнованиях участвовали около 100 человек, то в нынешнем – больше 220.

Впервые в этих спортивных состязаниях приняли участие и представительницы Министерства обороны. И, как говорится, первый блин... не комом – наши женщины завоевали третье общекомандное место, пропустив вперед коллективы Министерств водного и сельского хозяйства и высших учебных заведений.

Наши представительницы приняли участие в соревнованиях по всем пяти видам спорта Спартакиады. Призовые места завоеваны в волейболе, бадминтоне, мини-футболе.

Но все по порядку.

Первыми на площадку вышли волейболистки. На главные призы претендовали представительницы 9 команд-участниц. Жеребьевка свела в одну подгруппу сильнейшие команды, в том числе и Министерства обороны. Но наши женщины в подгруппе уступили лишь будущим победительницам – команде Министерства высших учебных заведений. В поединке за бронзовые награды с командой МВД наши волейболистки своего шанса не упустили. Успех команде принесли старший сержант по контракту Римма Гетманец, сержанты Ольга Марина, Ольга Нургаянова, Екатерина Пасова, младшие сержанты Татьяна Кадук, Светлана Клименко, Марина Попович и служащая Вооруженных Сил Елена Липина.

24 претендентки состязались за главные награды Спартакиады по бадминтону. От нас выступали рядовые Татьяна Гаращенко и Умида Гундиева, а также служащая Вооруженных Сил Шахноза Таникулова. В упорной борьбе спортсменки уступили лишь в финале представительницам Министерства водного и сельского хозяйства. Третьими призерами стали девушки из команды Министерства иностранных дел.

Интересные и захватывающие матчи состоялись и на площадках по мини-футболу, где наши футболистки стали вторыми. Они уступили в финале команде Министерства водного и сельского хозяйства. В футбольных баталиях свое спортивное мастерство демонстрировали младший сержант Маргуба Маликова и служащие Вооруженных Сил Мухаббат Ганиева, Сайера Шарипова, Нодира Якубова, Нигора Рихсиева, Гулноза Джураева, Гулбахор Умирбаева, Зайнаб Комилбекова, Мухтарам Махаматкулова.

К сожалению, в борьбе за третье место по стритболу с командой МВД нашим представительницам чуть-чуть не хватило соревновательного опыта. Первой стала команда Министерства высших учебных заведений, второй – Министерства водного и сельского хозяйства. Но наши девочки заслуживают того, чтобы их имена были названы. Это рядовой Татьяна Валиева, служащие Вооруженных Сил Наталья Егорова, Елена Романюк, Елена Осиковская, Екатерина Сняткова, Гулноза Рузиева и Дилбар Юлдашева.

А в соревнованиях по настольному теннису приняли участие младший сержант по контракту Гюли Сабирова, служащие Вооруженных Сил Вера Нарбаева и Наргиза Наджимова.

Майор Нуриддин ХАЙРИТДИНОВ.





ЎЗ КАСБИГА МУНОСИБ



Аёл кишининг ҳарбий либосда қад ростлаши осон эмас. Чунки унинг зиммасига қўйилган ҳаёт талаблари бисёр. Бироқ ҳарбийлар сафидаги аёл сифатида мен шуни тан оламанки, агар у жазм этса, ҳар бир ишни уддалай олади. Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Сабоҳат Алимходжаева ҳам мана шундай оловқалб хизматчилардан. Мен бу сафдошим ҳақида бежиз тўхталиб ўтмадим. Нега десангиз, бу шижоатли қиз 17 ёшидан буён Қуролли Кучларимиз сафида. 1997 йилда оддий хизматчи сифатида иш бошлаган. Сабоҳат йиллар давомида ҳарбийча ҳаётнинг барча пасту баланд синовларини ўзлаштириб борди. 2003 йилда эса ҳарбий жамоа унга катта ишонч билдирди. Яъни ҳарбийлар сафига қабул қилинди. Зиёли оилада камолга етган ҳарбий либос маликаси айни дамда ўзининг танлаган йўлидан мамнун.

– Юрт ҳимоясига масъуллик одатда эр йигитларимизга ишониб топширилади, – дейди сафдошим суҳбат чоғида. – Аммо уларга таянч бўлиш истаги кўплаб қизларимизнинг орзуси ҳисобланади, десам янглишмайман. Чунки бу истак мени ҳам четлаб ўтмаган. Шу сабабли бугунги кунда ҳарбийларимиз сафида эканлигимдан мамнунман. Менга билдирилган ишончни доимо оқлашга ҳаракат қиламан.

Бугунги кунда Сабоҳат Алимходжаева ҳарбий қисм девонхонасининг масъул ходимларидан. У доимо танлаган йўлига муносиб бўлишга, ҳарбий хизматнинг барча қонун-қоидаларини мукаммал эгаллашга интилади. Шунинг учун сафдошлари орасида ўз ўрни ва ҳурмати бор. Албатта, инсоннинг орзуси чексиз. У юксак довонлар сари интилиб яшайди. Сабоҳат ҳам худди шундай. Мен ўз бурчини муносиб даражада ўтаб хизмат қилаётган дугонамнинг эзгу мақсадлари доим рўёбга чиқишини истайман.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Зулфия НУРУЛЛАЕВА.

Тежамкорлик – мақсадли фойдаланиш демак

ЭГАЛИК ҲИССИ УСТУВОР





Майор Лутфулло Бузруков командирлик қилаётган ҳарбий қисмда ҳам посбонлар шароитлари яхшиланиши юзасидан ибратли ишлар амалга оширилиб, буюм-ашёларни тежамкорлик билан ишлатиш йўлга қўйилгани диққатга сазовор. Албатта, бунга эришишда бутун шахсий таркиб, қолаверса, таъминот бўлими хизматчиларининг ўзига хос улуши борлигини айтиб ўтмасдан бўлмайди. Масалан, сув жўмракларининг созлиги, электр тармоқлари ва ускуналарининг равон ишлаши, ҳар бир буюм ўз ўрнида бўлиши ортиқча исрофгарчиликнинг келиб чиқмаслиги учун муҳим омил саналса, ҳар бир аскар ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчининг ҳарбий мулкдан мақсадли фойдаланишга ҳаракат қилиши бу борада юксак уюшқоқлик билан иш олиб борилаётганини билдиради. Аслида қайдаки қатъий тартиб-интизом, қонун-қоидаларга сўзсиз бўйсуниш ва оғишмай амал қилиш мустаҳкам йўлга қўйилган бўлса, ундай жойда ривожланиш, олға силжиш ҳам кузатилиб, ортиқча исрофгарчилик, ноўрин хатти-ҳаракат кузатилмайди. Оддийгина ювиниш хоналарини оладиган бўлсак, у ердаги биргина носоз жўмракдан бир соатда қанча сув бекорга оқиб ётишини ўйлаб кўринг. Вақт ўтаверган сайин ундан қанча оби-ҳаёт бекорга сарф бўлаверишини тасаввур қилсак, ачиниб кетамиз. Мазкур қисмда эса бу каби нохуш белгилар кўзга ташланмагани кишини қувонтиради.

– Қисмимизда тежамкорлик масаласида кўпгина эзгу ишлар йўлга қўйилган, – дейди шартнома асосидаги ҳарбий хизмат кичик сержанти Расулжон Тиллабоев. – Маиший ускуналар соз, посбонлар кўнглида эгалик ҳисси устувор. Улар ҳар бир буюмнинг халқимизга, юртимизга тегишли эканини яхши билишади. Шароитларни яхшилаш юзасидан ҳам кўнгилли ишлар қилинган. Биз учун зарурий таъминот ота-оналаримизнинг, юртимиз фуқароларининг меҳнатлари туфайли, айнан уларнинг тўлаб келаётган солиқ фоизлари ҳисобига амалга оширилиши барчага маълум. Ўз навбатида биз ҳам ана шу ғамхўрликка муносиб бўлишимиз, аъло хизматларимиз билан жавоб қайтаришимиз ва қўлни қўлга бериб, бирдамликда ижобий натижага эришишимиз керак.

Тежамкорлик деганда, фақатгина сув, энергия таъминоти ёхуд бошқа маиший жиҳозлар тушунилмасдан, балки жанговар техника, зарурий эҳтиёт қисмлар, ёнилғи воситалари ва ҳатто, вақт ҳам назарда тутилади. «Юрагимдаги энг оғир жароҳат, бекор ўтган бир дақиқадир», деган экан машҳур шахслардан бири. Демак, кўринадики, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймасдан, вақтдан ҳам унумли фойдалан, деган ҳикмат англашилмоқда. Муддатли хизматни ўтаётган аскарларга белгилаб берилган тўрт соат қўшимча машғулот тайёргарлик дарслари худди шу мақсадга жавоб берса, ажаб эмас.

Шахсий таркибнинг жанговар техникалардан қандай фойдаланишаётгани, бу ердаги тежамкорлик ишларини кузатиш учун қисм жанговар машиналар паркига ўтганимизда, тўпчилар батареясининг катта техниги шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Муҳаммадюсуф Жўраев қўл остидагиларга мазкур масалада тегишли йўл-йўриқлар бераётганига дуч келдик.

– Жанговар техника машғулотга олиб чиқилгунга қадар ҳамма томондан мукаммал кўрикдан ўтказилган, барча деталлари тўғри ишлаётган бўлиши керак, – деди кичик сержант Жўраев. – Чунки биргина носоз механизм иккинчи, униси эса учинчи хатоликларга олиб келиши ва натижада бир нечта мурват ишдан чиқиши мумкин. Худди шу масалада ишлар тўғри йўлга қўйилиши ҳам тежамкорликка хизмат қилади. Масалан, ҳаво, иситиш, совутиш, ёқилғи ва бошқа тизимларнинг тўғри ишлаши, узатмалар қутисининг созлиги, двигателнинг бенуқсонлиги, ўз ўрнида мўлжалга олувчи ва отувчининг ўз ишини қанчалик пухта ўзлаштиргани ҳам муваффақият, ҳам тежамкорлик демакдир. Бу билан жанговар вазифа ҳам мукаммал адо этилади, дейиш мумкин.

Шу тариқа катта техник Муҳаммадюсуф Жўраев механик-ҳайдовчи шартнома бўйича хизмат оддий аскари Аҳрор Мирзақулов, ўқловчи кичик сержант Дилмурод Рустамов ва мўлжалга олувчи муддатли хизмат оддий аскари Санжар Юсуповга тегишли тушунчалар берди. Соҳага қизиқиши юксак бўлган посбонлар эса айтилганларни тезда уқиб олиб, вазифаларини адо этишга киришдилар.

– Жанговар техниканинг барча тизимлари ва қисмлари пухта кўздан кечирилгач, юргизиб кўрилади, – дейди механик-ҳайдовчи шартнома бўйича хизмат оддий аскари Аҳрор Мирзақулов. – Машина бехато ишлаётганига ишонч ҳосил қилингач, олға ҳаракатланиш мумкин. Ўқловчи ва мўлжалга олувчидан ҳам эҳтиёткорлик, пухталик, аниқлик ва тезкорлик талаб қилинади. Бунда тажриба ва маҳорат иш беради. Жангчи ўз вазифасини қанчалик пухта ўзлаштирган бўлса, мақсад довонини ишғол қилиш шунча ижобий натижада кўринади, деяверинг.

Йигитларнинг уюшқоқлик билан ўзаро жипслиқда ҳаракат қилишаётгани кўриниб турибди. Дарвоқе, профессионал асосга ўтаётган армиямизда бугун буткул янгича ўзгариш ва ривожланишлар уствурлиги, ислоҳотлар сабаб, Қуролли Кучларимиз хизматчилари жанговар ва жисмонан етук бўлиш билан бирга интеллектуал жиҳатдан ҳам баркамол экани юқоридагидек намунали натижаларни қўлга киритишга асос бўлмоқдаки, бундан фақат фахр ҳиссини туйиш мумкин.

Катта лейтенант Яшин КОМИЛОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.

ФОЗИЛ ФОЛЬКЛОРШУНОС

(Тўйхат ўрнида)



Агар Сизни яқиндагина минг йиллиги ЮНЕСКО қарори билан жаҳон миқёсида катта тантана билан нишонланган «Алпомиш» – қаҳрамонлик эпосининг минг бир муаммоси қизиқтирса, атоқли фольклоршунос олим Тўра Мирзаевга мурожаат қилинг. У ўзбек халқининг ушбу улкан бадиий достонининг минг бир ҳикматини бахшилардек ҳаяжон ва эҳтирос билан қайнаб-тошиб, балки бахшилардан-да содда тил, содда дил билан баён этиб беради. Чунки, у 1965 йилда «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган ва бугунгача ҳам шу достон бўйича илмий тадқиқот олиб боради. Борди-ю, Сизни ўзбек халқ бахшиларининг санъаткорлик маҳорати ёинки ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг бой ва бебаҳо бисоти масалалари қизиқтирса, бу борада ҳам ҳожатингизни Тўра Мирзаев чиқариши мумкин. Зотан, у 1986 йилда ўзбек халқ бахшиларининг санъати ва улар репертуарининг асосий хусусиятларини ўрганишга бағишланган докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, филология фанлари доктори илмий даражасига эришган. У 1960–1963 йилларда Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти аспирантураси таҳсилини мазкур соҳада ўтаган, 1964–1971 йилларда шу институтнинг фольклор бўлимида аввал кичик илмий ходим, кейинчалик эса катта илмий ходим лавозимларида ишлаган, 1971 йилдан 2002 йилгача ушбу бўлимга раҳбарлик қилиб, ўзбек фольклоршунослиги илмини Марказий Осиёнинг энг етакчи илмий мактаблари даражасига кўтарган олимдир. Мабодо, Сиз тил ва адабиёт ёхуд маънавиятдек бепоён қамровли фанларнинг долзарб муаммоларига дуч келсангиз, бу ҳолатда ҳам беминнат ва бемалол Тўра Мирзаев балогардон бўлишлари шубҳасиз. Зеро, бу соҳалардаги бутун бошли олимлар лашкари у кишининг тасарруфларида. Т.Мирзаев 1991 йилдан бери Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг директори, 2001 йилдан буён эса Ўзбекистон ФАнинг ижтимоий-гуманитар соҳалар бўйича вице-президенти вазифасида мамлакатимизда маънавият фанлари тараққиётига раҳнамолик қилиб келмоқда.

«Камтарга – камол» мақоли гўёки Т.Мирзаев ҳақида айтилгандек. У илмий ходимлик даврларидаёқ самимийлиги, меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, камтаринлиги – одамийлиги билан жамоатчиликнинг ҳурматини, ихлосини, меҳру муҳаббатини қозонди. Раҳбар сифатида Т.Мирзаев Истиқлол ва демократия фарзандидир. Унинг раҳбарлик пиллапояларидан кўтарилиши халқимиз ҳурриятга муяссар бўлган йилга тўғри келди. Ўшанда биринчи марта халқ ҳокимиятчилиги тамойиллари асосида Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти директорлиги лавозимига сайлов ўтказилди. Жамоа бир неча муносиб номзод орасидан Т.Мирзаевни танлади. Бу ўша даврда чинакам демократиянинг кичик бир тантанаси ва тимсоли эди.

Ўшандан бери Т.Мирзаевнинг раҳбар сифатида фаолият кўрсатаётганига оз эмас, кўп эмас – 15 йил бўлибди. Таваллудига 70 йил, илмий-ижодий ва педагогик фаолиятига 50 йил тўлибди. Алишер Навоийнинг машҳур шоҳбайти – «Одами эрсанг, демагил одами Оники, йўқ халқ ғамидин ғами»да айтилганидек, шу йиллар мобайнида Т.Мирзаевнинг халқ ғамидан бошқа ғами, илм-фан тараққиётидан ўзга илинжи бўлмади. У илм-маърифатга шу қадар садоқат билан берилиб ишладики, машина олиш, дала ҳовли барпо этиш ёки бошқа турдаги хусусий мулк орттириш ҳою ҳавасини хаёлига ҳам келтирмади. Фидокорлик деб шунга айтсалар керак-да!

Олим илм-фан соҳасида ҳамкор ҳамкасбларга, дўстларга, шогирдларга, китобларга эса бениҳоя бой. Ярим асрлик ижодий фаолиятида олим ўзбек халқ бахшиларининг эпик репертуари ва бадиий маҳорати, достончилик мактаблари, халқ достонларида версия ва вариантлилик, достончиликда анъана ва бадиҳа, фольклор ижрочилиги ва ижодкорлиги, қаҳрамонлик достонларининг ўзига хос табиати, ўзбек фольклоршунослигининг тараққиёт қонуниятлари ҳамда фольклорнинг бугунги маънавий-маданий ҳаётдаги ўрни каби фундаментал масалалар бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борди. Ушбу тадқиқотларнинг натижалари сифатида ўзбек фольклорининг энг долзарб муаммолари кенг кўламда таҳлил этилган, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда нашр этилган 600 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалари, «Ҳоди Зариф» (1967), «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари» (1968), «Халқ бахшиларининг эпик репертуари» (1979) сингари монографик тадқиқотлари юзага келди.

Т.Мирзаев фаолиятининг асосий қисми илмий ишларни ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилишга бағишланган. Унинг раҳбарлиги ва бевосита фаол иштирокида «Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар» туркумидан саккизта китоб чоп эттирилган, «Ўзбек фольклори очерклари» уч жилдлиги ҳамда олий ўқув юртлари учун халқ оғзаки бадиий ижоди бўйича дарслик яратилган. Т.Мирзаев устози Ҳ.Зариф билан биргаликда «Ўзбек халқ ижоди» намуналари кўп томлигининг нашр принципларини ишлаб чиқди ва уни амалга оширишда раҳбарлик қилиб келмоқда. Олим ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиёти ёдгорликларини дунёга танитишда ҳам маҳсулдор фаолият соҳибидир. У тайёрлаган ва Санкт-Петербургда нашр этилган «Алпомиш» (1982), «Узбекская народная поэзия» (1990) тўпламлари, Германияда чоп қилинган «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» (1984) асари, «Алпомиш» достонининг немисча (Бохум, 1984) ва туркча (Анқара, 2000) нашрлари фикримизнинг далилидир. Т.Мирзаев илмий раҳбар сифатида 5 фан доктори, 22 фан номзоди тайёрлаб, Ватан илмий-маърифий кадрлар захирасини бойитишда муносиб хизмат кўрсатди.

Олимнинг илмий-ташкилотчилик фаолияти жамоатчилик ишлари билан уйғун равишда давом этмоқда. У Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш раиси ва аъзоси, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг бош муҳаррири ва таҳририят аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон ФА ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуи қошидаги Адабиётшунослик ва манбашунослик бўйича Республика илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоси сифатида узоқ йиллардан буён изчил фаолият кўрсатиб келмоқда.

Т.Мирзаев ўзининг фидокорона илмий фаолиятига эътироф, эътибор натижасида муносиб равишда профессор (1990) илмий унвони, Абу Райҳон Беруний номидаги Республика давлат мукофоти (1973), «Дўстлик» ордени (1997) ва Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби юксак унвонига (2003) сазовор бўлди.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори,
Тошкент Давлат юридик институти профессори.

ЯВЛЕНИЕ МЕССИИ, НАМЕЧЕННОЕ В УЗБЕКИСТАНЕ НА 2005 ГОД, НЕ СОСТОЯЛОСЬ. ПОДВЕЛИ АПОСТОЛЫ

Андижан. 16 мая 1986 года в жизни Акрама Юлдашева произошла драма – он потерял свою мать. Потерю переносил тяжело. На похоронах и поминальных мероприятиях приглашенный мулла читал молитву. Арабские слова успокаивали, растворяли душившее Акрама горе.

В состоянии глубокой депрессии в декабре 1986г. Акрам, двадцатитрехлетний студент второго курса Андижанского института хлопководства и механизации, близко сходится с одним из первокурсников того же института, не ведая, что перед ним «лидер» регионального подполья Хизб ут-Тахрир (далее ХТ). Уточнение – «лидер» до описываемого периода был завербован ближневосточными хизбуттахрировцами.

Между Акрамом и «лидером» завязались товарищеские отношения. В один из дней 1987г., попросив научить правильному пониманию ислама, Акрам получил приглашение посетить дом «лидера», с чего собственно и начинается его постижение ислама в трактовке ХТ.

Для начала они договорились об изучении арабского языка, точнее его алфавита, главного элемента для заучивания и правильного произношения текстов Корана. Небольшое уточнение – чтение Корана не означает понимание содержания его текстов. Позже «лидер» пояснил Акраму: необходимость изучения арабского языка – главное условие полноценного исполнения мусульманского долга хизбуттахрировцем. В книге «Концепции ХТ» эта необходимость прокомментирована следующим образом: «При игнорировании данного языка становится невозможным совершать ижтихад в шариате, поскольку он осуществляется лишь посредством арабского языка, являющегося основным условием для ижтихада».

В исламской теологии ижтихадом считается публичное изложение самостоятельного мнения или решения по важным вопросам религиозной и общественной жизни на основе Корана и сунны: «Безошибочным считается решение всей мусульманской общины. В практике исламской истории ее представителями (муджтахидами) признавались авторитетные ученые-законоведы (факих), признанные всей общиной или значительной группой мусульман». Не вдаваясь в более подробный комментарий всех аспектов ижтихада и несколько забегая вперед, уточню – А.Юлдашев, планируя события мая 2005 года и не имея на то морального права, через Кабула Парпиева (один из организаторов Андижанских майских событий 2005г.) обратился к своим сподвижникам с ижтихадом.

Уже в ноябре 1988г. «лидер» познакомил его с одним из своих учеников. Тот, не скрывая, что является хизбуттахрировцем, начал вести с А.Юлдашевым разъяснительные занятия по книге «Ислом низоми» («Система ислама»), написанной в 1952 году основателем партии ХТ Такийюддином Набхани (далее Набхани). Для лучшего восприятия концепций, изложенных в книге, иногда подключался и сам «лидер». Через некоторое время он же предложил А.Юлдашеву принять хизбуттахрировскую присягу. Акрам не соглашался. Отказ мотивировал незнанием не только программных установок партии, но и отсутствием ответов на некоторые вопросы, интересующие его. Один из них – «Что будет, если его суждения не будут совпадать с мнением ХТ?» «Лидер» обещал ответить на его вопросы. Ответы, прозвучавшие в декабре 1988 года, Акрама удовлетворили. Особенно один, ставший знаковым для него: «На любой возникающий вопрос вы найдете ответ в книгах ХТ, но основополагающей для вас должна стать «Система ислама». В начале 1989 года Акрам произнес текст хизбуттахрировской клятвенной присяги.

В тот период конца восьмидесятых годов, с первым осознанием содержания книги Набхани, и особенно ее ориентации на трехэтапное восстановление современной халифатской государственности, А.Юлдашев в силу своих индивидуальных психологических особенностей все больше впадал в «философские» рассуждения о предназначении человека и божественном предопределении (кадар – в хадисах, такдир – у богословов).

Можно ли считать, что идеи Набхани, изложенные в книге «Система ислама», влияли на формирование его религиозной ментальности? Несомненно. И в особенности ее вторая глава «Божественная судьба и предназначение». Ориентировался ли он, принимая в дальнейшем жизненно важные решения, на слова из 38-го аята 74-й суры Корана: «Всякая душа – заложница того, что она приобрела»? Не исключено. Хизбуттахрировцы, с которыми мне доводилось беседовать на тему выбора ими жизненного пути, оппонируя мне, вспоминали именно эти слова, запомнившиеся им после прочтения второй главы книги «Система ислама». Не меньшее влияние на Акрама имела еще одна работа идеологов ХТ – «Исламская личность».

Со временем Акрам стал высказывать «лидеру» возражения по поводу обязательных отчислений в кассу ячейки ХТ, в которой он состоял после принятия присяги.

В возникшей дилемме – между отчислением в кассу ХТ и обеспечением семьи – он все чаще выбирал второе. Этот факт переполнил терпение «лидера». Полный разрыв их отношений произошел в марте 1990 года.

Но оторвавшись от влияния «лидера», А.Юлдашев не освобождается от влияния концепций Набхани. Впоследствии он не отрицал, что преклоняется перед его религиозным авторитетом, отвергая лишь некоторые методы исполнения его концепций. Но, не отрицая своего преклонения, он всегда избегал в беседах со следователем (весна – лето 2005 г.) уточнения равнозначности хизбуттахрировской и акрамистской религиозно-политической платформы.

Прекратив общение с хизбуттахрировцами, А.Юлдашев в течение двух лет (1991 – 1992 гг.) усиленно занимался самообразованием. Правда, прочитав «Язык птиц», так и не понял, что подразумевал автор произведения – Алишер Навои, великий миротворец и светский мусульманин.

В один из дней в библиотечке Акрама появился Коран в переводе с арабского на узбекский язык. Уточнение – книга в переводе известного исламского теолога Алауддина Мансура по его же авторскому замыслу не имела комментариев и ссылок на канонизированные толкования аятов сур. Случаен ли был выбор именно этой редакции Корана?

В период общения с хизбуттахрировцами Акрам хорошо уяснил, почему его воспитатели использовали не обеспеченный комментариями перевод Корана с арабского на узбекский язык. Отсутствие комментариев позволяло трансформированно трактовать аяты сур Корана, ориентируясь на теоретические установки Набхани. Переняв эту практику, Акрам впоследствии успешно использовал ее в беседах с членами своей семьи и некоторыми ближайшими родственниками. Трудно сказать, знал ли он в те годы, что игнорирование канонизированных толкований текстов Корана изначально возмущало современных известных исламских теологов, открыто осуждающих Набхани и его последователей за подобную вольность в отношении Корана.

В домашней библиотечке Акрама стали появляться и другие книги религиозного характера, в частности «Основы ислама». Ее автор Саид Абу-л-Ала Маудуди (далее Маудуди), богослов и философ, основатель (1943г.) Исламского общества (Джамаат-и ислами), сыгравший важную роль в становлении современной формы «экстремистской» индо-пакистано-афганской трактовки исламской догматики». В ее основу ранее была заложена деобандийская (радикальное направление Таблиги джамоат) и ваххабитская идеология. Не касаясь содержания книги «Основы ислама», обратимся к одному из главных аспектов в представлениях Маудуди о совершенном исламском государстве. Жизнедеятельность в этом государстве должна строиться по принципу «божьего правления», воплощенного в земной реальности формулой «правление Бога и народа». Иногда Маудуди именует подобное правление «теодемократией». Его концепция основывалась на нерушимом единстве религии и политики ввиду того, что «власть Аллаха распространяется на все аспекты человеческой жизни». «Но, – констатирует он, – нельзя претворить на практике эти принципы, если нет авторитета, способного навязать их обществу. Отсюда и возникает необходимость в исламском государстве».

Принял ли Акрам Юлдашев к сведению установки Маудуди в части обязательного появления у современных мусульман религиозного «авторитета»? Безусловно. Тем более что они ему напоминали слова Набхани, высказавшегося в книге «Система ислама» об общественной и индивидуальной необходимости людей во все времена ждать посланцев Аллаха.

Как и Набхани, Маудуди вселял в сознание Акрама все ту же утопическую уверенность в религиозном праве покрыть земной властью провозглашенное им исламское государство. Ну почему бы нет, если, по мнению Маудуди, во главе исламского государства должен стоять вождь, поддержанный «совещательным собранием», организованным по образцу совета сподвижников пророка Мухаммада. Цель? Практика создания подобных «советов» автоматически формирует «господствующий класс», беззаветно преданный делу ислама, готовый к самопожертвованию ради осуществления высших исламских идеалов. Только в этом случае в государстве могут состояться «выборы достойного правителя», воспринятые всеми мусульманами благодаря их «убежденности», внедренной в их сознание мощной пропагандой. Только в этом случае мусульмане изберут «правильных» людей, которые руководствуются принципом ибадата, означающего беззаветную самоотдачу Высшей воле.

Был ли рабом этих идей Акрам и его сподвижники? Наверное, да, но не в исламском понимании почтения к Аллаху, а в неоправданных амбициях, в частности у Акрама, развитых многолетними восторгами родных, родственников и друзей, узревших в его склонности к рассуждениям право властвовать над собой, естественно и над нами.

Но вернемся к представлениям Маудуди о государственной системе. Он называл ее «порядком Избранного», имея в виду пророка Мухаммада, который, подразумевая «стремящихся, требующих, ищущих», ввел в религиозно-политический обиход слово «талиб».

В редакции Маудуди «господствующая элита идеального исламского государства» обозначена «талибан-и гаят» («стремящиеся к пределу»), что означает «достигшие предела максимального исламского совершенства».

Впоследствии «достигшими совершенства» стали те, кто до осени 2001 года массовыми репрессиями вогнал народ Афганистана во мрак средневековья, именуя себя «Талибан».

В своих следственных показаниях (весна 2005 г.) именно эту книгу Юлдашев не упоминает, но влияние Маудуди на формирование его сознания ощутимо. К маю месяцу 2005 года уже сформировавшийся в своих мечтах о халифате лидер Андижанских акрамистов А. Юлдашев подготовился основательно. И не столько как основатель своего движения, а в качестве ощутившего в себе «предел максимального исламского совершенства». Доказательство тому – короткая цитата из написанной им фетвы (!) «Саф сураси» (сура «Ряды»), адресованной «ко всем братьям» – соратникам-акрамистам.

Обращение «центральноазиатского мессии» – Акрама Юлдашева – было написано и послано из тюрьмы одному из самых преданных «братьев» по духу и коммерческой деятельности – Кабулу Парпиеву. Именно на него А.Юлдашев возложил ответственность за организацию и исполнение андижанской акции 12 – 13 мая 2005 г. Ниже приведена цитата из текста обращения к «братьям» с пометками автора перевода с узбекского на русский язык: «Кто любит Аллаха и Его Пророка, кто любит лидера, ведущего этим путем, ответственного над всеми, это руководство является обращением ко всем братьям. Подобно Исе, обращающемуся к апостолам».

Обращение – в узбекском тексте «муроджаат».

Ответственный над всеми - в узбекском тексте – «умум масъул».

В текстах Корана Иса – Иисус, сын Марии.

Апостолы – в узбекском тексте – «хавория».

В октябре 2004 года о патологической склонности Акрама Юлдашева к неземному величию мне поведал уже бывший хизбуттахрировец, тот самый «лидер» первого регионального отделения ХТ в Узбекистане. В ходе нашей беседы он именовал себя «светским мусульманином, давно порвавшим с ХТ». Для меня его слова звучали убедительно. Особенно в сопровождении его же осуждения зарубежных эмиссаров ХТ, в восьмидесятых годах увлекших его мифами о восстановлении халифата.


Наша беседа проходила в то же самое время, когда лжемессия Акрам Юлдашев формировал в своем воображении планы для своих вооруженных «апостолов».

Айдын ГУДАРЗИ.

Гиёҳвандлик – иллат

УМРИМИЗ КУШАНДАСИ

Яқинда БМТ Гиёҳванд воситалар устидан назорат ва жиноятчиликдан огоҳлантириш бошқармасининг пойтахтимиздаги ваколатхонасида бўлиб ўтган матбуот анжумани шу номдаги халқаро қўмитанинг 2005 йилги ҳисоботи тақдимотига бағишланди. Унда БМТ Гиёҳванд моддалар устидан назорат ва жиноятчиликдан огоҳлантириш бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Жеймс Каллахан, мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гиёҳвандлик устидан назорат бўйича миллий марказ директори Камол Дўсметовлар иштирок этишди.



Хўш, дунёда гиёҳвандлик муаммоси бўйича бугунги аҳвол қандай? Дейлик, Африка қитъасида каннабис энг «оммавий» гиёҳванд воситаси саналиб, у 34 миллиондан зиёд инсонни гирдобига тортган. Америка қитъаси, айниқса Марказий Америка ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари гиёҳвандлик муаммосидан азият чекмоқда. Маълумотларга кўра, айнан шу минтақа орқали ҳар йили АҚШ га 300 тоннадан зиёд кокаин кириб келяпти. Шарқий ва жанубий-шарқий Осиёнинг энг кўп опийси Мянмарда етиштирилмоқда. Европага кириб келаётган героиннинг деярли барчаси Афғонистон «маҳсулоти» эканлигини айтиб ўтиш лозим. Келинг, шу ўринда ён қўшнимиз Афғонистондаги вазиятни бироз кўриб ўтайлик. Маълумотларга кўра, ортда қолган йилда етиштирилган оғудан келган даромад ялпи ички маҳсулотнинг 41 фоизини ташкил этган. Бу 2004 йилга нисбатан 7 фоиз кам дегани. 2005 йилда кўкнори етиштирадиган афғон «миришкорлари» 9 фоизни ташкил этганлиги маълум. Бу эса 2004 йилга нисбатан 1 фоиз кам эканлигини кўрсатади. Албатта мазкур кўрсаткичлар ҳали хурсанд бўлишга эрта эканлигидан далолат. Негаки, ҳали илоннинг боши янчилганича йўқ-да. Ахир, боши янчилсагина заҳар сочишдан тўхтайди. Хўш, бугун Афғонистон оғусининг минтақамизга хавфи, таҳдиди қандай? Бу саволга ҳам рақамлар билан жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Маълумотларнинг кўрсатишича, афғон оғусининг 40 фоизи Эрон, 36 фоизи Покистон, қолган 24 фоизи Марказий Осиё орқали ўз харидорига етиб бораётган экан. Ҳа, ана шу 24 фоиз бизнинг ҳаловатимизни ўғирламоқда. Масалан, гиёҳвандлик сабаб ОИТС га чалинганлар ортмоқда. Дейлик, Қозоғистонда ҳар 100 минг кишига 30 та ана шундай хасталар тўғри келаётгани ғоятда ачинарли. Ҳуқуқ-тартибот ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари сабаб, бу борадаги жиноятларнинг олди олинмоқда. Мазкур иллатга қарши курашилмоқда. Шу ўринда бир мулоҳаза. Ортда қолган йилда гиёҳванд воситалар билан қўлга олинганларнинг аксарияти хориж фуқароларидир. Яъни 11 мамлакатнинг 139 нафар фуқароси гиёҳванд моддалар контрабандаси бўйича қўлга олинган. Таъкидлаш жоизки, юртимизда бу глобал муаммога қарши кураш бўйича кўплаб ишлар қилиб келинмоқда. Масалан, Бош вазир раҳбарлигида гиёҳванд воситалар устидан назорат бўйича комиссиянинг мавжудлиги, бу борада миллий ахборот-таҳлилий марказнинг иш юритаётгани, ўқув муассасаларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Саломатлик институти томонидан ишлаб чиқилган 16 соатлик дастурнинг жорий этилиши, қатор қонунлар қабул қилинганини санаб ўтиш мумкин.

Гиёҳвандлик муаммоси тилга олинганда яна эҳтиёж ва таклиф омиллари қалқиб, қалқиб чиқаверади. Эҳтиёж бор экан, таклиф бўлаверади. Буни сўнгги пайтларда пайдо бўлаётган сунъий гиёҳванд воситалари ҳам кўрсатмоқда. Демак, оғу экилган майдонларни пайҳон қилиш, экишни тақиқлаш ёки наркокуръерларни йўқ қилиш кабиларнинг ўзи билан иш битмайди. Бунинг учун эҳтиёжга, ишсизлик, қашшоқлик, жиноятчиликка қарши курашни ҳам жиддий тус олдиришимиз шарт.

Шерзод ТОЛМАСОВ.

ҲАЁТ ЗАВОЛИ

Саломатлик – туман бойлик, дейди доно халқимиз. Бу жуда оқилона гап. Лекин баъзилар борки, соғлом ҳаёт кечиришнинг қадрига етмай гиёҳвандликка ружу қўядилар. Кимдир оғриқ қолдириш мақсадида гиёҳванд моддалар қабул қилиб, сўнг унга ўрганиб қолса, баъзилар енгилтаклик билан чекиб ёки ичиб кўришни ҳавас қилиб, оғу исканжасига тушишади. Бунинг ўта хавфли томони шундаки, бир марта татиб кўргандан сўнг унга мойиллик пайдо бўлди. Бу эса унга ўрганиб қолишликка олиб келади.

1. Гиёҳванд моддаларнинг бош мияга таъсири. Уни истеъмол қилганларнинг феъл-атвори тез ўзгарувчан бўлади. Гоҳ хурсанд, гоҳ ғазабнок, гоҳ тажовузкор бўладилар. Мия айниганидан бу заққумнинг таъсирида кўзларига одамлар жуда хунук, бадбашара кўринсалар, кичкина жисмлар жуда катта бўлиб кўринади. Масалан, гугурт чўпи уларга катта ходадек, кичик ариқ катта дарёдек, одамларнинг боши эса тоғдек кўрина бошлайди. Ҳаммаёқ қоронғилашиб, хиралашиб кўринади. Баъзан ўзларини енгил, баъзан оғирлашгандек сезиб, бошлари айланади, қулоқларига ҳар хил овозлар эшитилади ва ваҳима, қўрқув пайдо бўлади. Тажовузкор бўлиб қоладилар. Бунинг натижасида руҳий хасталикларга дучор бўлиб, ҳатто, одам ўлдириш каби оғир жиноятга қўл урадилар ёки ўзларининг жонларига қасд қиладилар.

2. Гиёҳванд моддаларнинг юрак-қон томирларга таъсири. Гиёҳвандларда юрак мушаклари фаолияти бузилиб, юрак мускулларининг ўрнига ҳар хил тўқималар пайдо бўлганидан юракнинг нормал ишлаши бузилиб боради. Шунингдек, тез урадиган бўлиб, тез чарчайди ва қон босими кўтарилади.


3. Жигарга таъсири. Жигар ҳужайраларига таъсири остида, улар жонсизланиб, ўрнига чандирсимон тўқималар пайдо қилади ва ўзўзидан жигар фаолияти, шунингдек, овқатни ҳазм қилдирадиган ўт моддаларини ишлаб чиқариш ҳам бузилади.

4. Ошқозон-ичакларга таъсири оқибатида, уларнинг фаолияти пасайганидан қабзият пайдо бўлади.

Юқорида, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг инсон организмига қай йўсинда таъсир этишининг айрим жиҳатларигина тилга олинган. Аслида, улар ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Гиёҳвандликка қарши кураш нафақат бирон бир давлат, балки умумжамият, инсоният миқёсидаги муаммо даражасига кўтарилиши ҳам бежиз эмас. Чунки, ушбу бало домига тушаётганлар, ҳаётлари завол бўлаётганлар сони минг афсуски, ортиб бормоқда.

Абдулла ИБОДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор.

ЭРКЛИ ЭЛНИНГ ҚАНОТЛАРИ, ИЛМ ИСТАНГ!



Капитан Равшан Абдиев батальони Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг энг илғор жамоаларидан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнининг яхши ташкиллаштирилганлиги, ўз ишига масъулият билан ёндошувчи фидойиларнинг кўплиги жамоанинг илғорлар сафида туришини таъминламоқда. Илғор батальоннинг илғор курсантлари ҳам кўп. Улардан бири курсант Темурбек Абдураззоқов.

Курсантлигим – хурсандлигим

УЛУҒ ИШГА БЕЛ БОҒЛАБ

– Курсант Абдураззоқов намунали хулқ-атвор эгаси, – дейди командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Алишер Худоёров. – Дўстлари кўп. Бу бежизга эмас. Чунки бировнинг ташвишига бефарқ қараб турадиган йигит эмас. Ҳамиша сафдошлари учун ёрдамга шай туради. Улар томонидан ҳам бу ҳолат ўз навбатида юксак қадрланади. Гуманитар фанлар бўйича билимдонликда унга тенг келадиганлар кам топилади.

Темурбек оилада кенжа фарзанд. Оилада уни иқтисодчи бўлишга кўпроқ ундар эдилар. Иқтисод соҳасида ёш мутахассислар сифатида унча-мунча иш қилиб улгурган акаларининг ҳам бунга таъсирлари бор эди. Унинг ҳам шу йўлдан боришига оилада ҳеч ким шубҳа қилмасди. Ахир кичкиналар кўп ҳолларда акаларига ўхшашга интиладилар-да. Аммо Темурбекнинг орзу-хаёллари бутунлай бошқа эди. Болакай чин дилдан офицерликка ҳавасманд эди.

Интилганга толе ёр дейдилар. Ўрта мактабни муваффақиятли якунлаган йигитнинг олий ҳарбий даргоҳга кириб ўқиш учун қилган саъй-ҳаракати омадли бўлди. Ҳарбий билим юртида ўқиш ўзига хос мураккабликларга ҳам эга. Темурбекнинг катта ҳаёт олдидаги илк муваффақияти оила аъзоларини бирдек қувонтирган бўлса-да, улар кўнглида андак хавотир ҳам бор эди: «Дастлабки қийинчиликларни енгиб ўта олармикан?» Кўринишидан бошқа тенгдошларидан унчалик ҳам фарқ қилмайдиган йигит кучли ирода соҳиби эканлигини кўрсатди. Бу ирода болаликдан мунтазам шуғулланиб келаётган Шарқ жанговар санъати усуллари орқали тобланган бўлса, ажаб эмас. Шарафли касбни эр йигитлар танлайдилар. Улуғ ишга ҳақиқий ўғлонлар бел боғлайдилар.

– Ўқиш, машғулотлар биз учун қизиқарли, – дейди курсант Темурбек Абдураззоқов. – Бой китоблар фондига эга бадиий ва илмий кутубхонамиз ҳамиша гавжум. Ўқитувчимиз Нуриддин Сандибаев маърузаларида барчамиз катта қизиқиш билан иштирок этамиз. Умуман олганда, севимли касбимизга оид барча билимлар биз учун аҳамиятли ва қадрлидир. Сафдошларим орасида севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов, шоир Муҳаммад Юсуф асарларининг мухлислари кўп. Мен ҳам уларни севиб мутолаа қиламан. Бир сўз билан айтганда, мен танлаган касбимдан, мамлакатимиздаги энг нуфузли ҳарбий билим юртида таҳсил олаётганимдан беҳад мамнунман.

Исмларда хосият бор дейдилар. Ажаб эмас Темурбек ҳам улуғ аждодларимиз, довюрак беклар каби юрт шарафини, довруғини оламга ёйгувчи муносиб ўғлон бўлса.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Абитуриентлар диққатига

БИЛИМ ЮРТИДА СИЗНИ КУТИШМОҚДА!

Ҳарбий билим юртига кириш учун барча зарур ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирган ёшлар танланган олий ҳарбий ўқув юртига қандай бориш тўғрисида хавотирланмасликлари мумкин. Чунки энди барча сарф-харажатларни давлат ўз бўйнига олади. Билим юртида касбий (профессионал) танлов ва тест синовларини топшириш учун номзодларни чақириш вилоят мудофаа ишлари бошқармалари ва ҳарбий қисмлар командирлари томонидан амалга оширилади.

Билим юртигача етиб бориш мудофаа ишлари бўлимлари, ҳарбий қисмлар командирлари томонидан бериладиган йўл ҳужжатлари бўйича бепул амалга оширилади.

Билим юртларига етиб келган номзодлар уч марталик бепул овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртига келган биринчи кунларданоқ абитуриентлар курсантларнинг ҳаёти ва турмуш шароити билан тўла маънода танишиш имконига эга бўладилар. Қўмондонлик уларга тест синовларидан ўтишга тайёргарлик кўриш учун энг қулай шароитларни яратиб беради. Тўлақонли овқатланиш, ўқиш, дам олиш учун етарли вақтлар белгиланган кун тартиби, командирларнинг доимий эътибор ва ғамхўрлиги имтиҳонларга ҳар томонлама тайёрланиш имконини беради. Тажрибали ўқитувчилар раҳбарлиги остида абитуриентлар билимларини янада мукаммаллаштириш, мактаб, лицей ёки коллежда ўтилганларни такрорлаш имкониятига эга бўладилар. Одатда, айнан шу босқичдаёқ бўлажак курсантлар ўзларининг энг яхши сифатлари билан биргаликда камчиликларини ҳам намоён этишади. Интизомли, мақсадга интилувчан, тиришқоқ ёшлар ҳеч қачон умумий сафда эътиборга тушмасдан қолмайдилар, уларга биринчи навбатда абитуриентлар билан ишловчи қабул ҳайъати (комиссияси) аъзолари эътибор қаратишади.

КАСБИЙ-РУҲИЙ ТАНЛОВ

Касбий-руҳий танловнинг асосий мақсади абитуриентларнинг танланган мутахассислик бўйича ўқиш ва келажакда хизмат қилиш имкониятларини белгилаб берувчи маънавий-руҳий чидамлилиги, жисмоний тайёргарлигини аниқлашдан иборатдир. Саволлар ва топшириқлар мазмуни ўрта ва ўрта махсус ўқув юртлари дастурларига қатъий мос келади. Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий билим юртларида абитуриентларнинг касбий-руҳий танлови Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси Касбий-руҳий танлов маркази томонидан олий ҳарбий билим юртларининг касбий-руҳий танлов гуруҳлари билан ҳамкорликда ўтказилади. У икки босқичда ўтказилади: абитуриентларнинг жисмоний қобилиятларини баҳолаш ва уларнинг касбий-руҳий яроқлилигини аниқлаш.

Реформы – в действии

КОМПЬЮТЕРЫ УЧАТ ЛЕТАТЬ

В Джизакском высшем военном авиационном училище (ДВВАУ) активно применяются достижения современных информационных технологий для обучения курсантов. В частности, здесь недавно открылся кабинет для работы на авиационных симуляторах. Теперь будущим летчикам достаточно сесть за монитор компьютера, чтобы совершить тренировочный полет. Ценность данного новшества в том, что оно не только позволяет экономить дорогостоящие моторесурсы и горючесмазочные материалы, но и позволяет свести на нет риск летных происшествий.

Курсант Шербек Исмоилов наблюдает на экране панель приборов вертолета, за штурвал которого ему вскоре предстоит взяться. В принципе, штурвал есть и у компьютера, что усиливает эффект реальности этого виртуального полета винтокрылой машины. И все приборы чутко реагируют на каждое движение будущего пилота. Преподавателю служащему Ильхому Казакову стоит определенных усилий успокоить обучаемого, что в данной ситуации ошибка не обернется опасными последствиями. Наконец движения Шербека становятся все более и более уверенными.

Взлетно-посадочная полоса привычно бежит навстречу, и «вертолет» отрывается от земли. Есть взлет!

– Этим летом курсантам второго курса предстоит летная практика в войсках, – говорит преподаватель. – Поэтому им надо здесь пройти весь курс предполетной подготовки, каждый ежедневно не менее часа проводит в этом классе.

Если вертолетчикам очень важно перед выездом в войска найти «общий язык» с воздушным судном, то знание иностранных языков тоже является обязательным требованием для курсантов. Поэтому на кафедре языков, возглавляемой служащей Замирахон Джалиловой, опытные педагоги создают ребятам все необходимые условия. В английском языке им помогает совершенствоваться преподаватель служащий Эльшод Пулатов, а в немецком – служащая Содик Юсупова. Наличие солидной обучающей программы дает возможность загружать по максимуму лингафонный кабинет.

Гордостью учебного заведения является Музей училища. Умелыми руками сержанта по контракту Константина Филева сделаны красивые макеты самолетов и вертолетов, немало других экспонатов. Детище нашей независимости за такой короткий срок сумело достичь впечатляющих высот, которыми страна вправе гордиться. Об этом увлеченно рассказывает курсантам начальник музея капитан Одилжон Авлиякулов, сопровождая курсантов по экспозициям. В нем запечатлена живая история этого молодого высшего военно-образовательного учреждения. Ведь выпускниками ДВВАУ вписано немало ярких страниц в историю наших Военно-Воздушных Сил, среди них, кстати, немало и кавалеров государственных наград.



«Пўлат от» жиловкорлари

МАҲОРАТНИ ОШИРМОҚДА



Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида бўлганимизда, бўлажак танкчи офицерлар компьютер тренажёрлари синфида катта қизиқиш билан маҳоратини ошираётганининг гувоҳи бўлдик.

Жанговар машиналарни бошқариш цикли ўқитувчиси майор Алишер Жалиловнинг айтишича, танкчи муҳандислик касби бўйича таълим олаётган иккинчи курс курсантлари ушбу амалий машғулотда табиий тўсиқлардан ўтиш, баландлик ва пастликларда тўхташ техникасини ўрганаётганди.

– Замонавий ахборот технологиялари яратиб бераётган афзалликлар билим юрти полигонига чиққанимизда ўз таъсирини кўрсатади, –дейди курсант Баҳром Ҳамидхонов. – Масалан, ундан олдин ҳам танкни амалда бошқаришга киришишдан аввал тренажёрда тайёргарлик кўрганим менга катта ёрдам берди.

Қудратли зирҳли техникани жиловлашдек мураккаб ишни бажаришда компьютерлар бўлажак танкчи офицерларга ўз кучларига ишонч бағишлашидан ташқари билим юртига ёқилғи захирасини анча тежашга яхши имкон яратмоқда. Қуролли Кучларимиз учун офицерлар тайёрлашга сарфланаётган давлат маблағларини тежамкорлик билан ва унумли фойдаланиш йўлида тинмай изланиб келаётган билим юрти қўмондонлиги ҳар бир йўналишда замонавий ахборот технологиялари ютуқларини оқилона ишга солишни режа асосида амалга оширмоқда.

Албатта, тренажёрлар амалий бошқариш машқлари ўрнини тўла босади, дейишдан йироқмиз. Масалан, ўша иккинчи курс курсанти Азиз Меҳмоновдан сўраганимизда, ўтган йилнинг ўзидаёқ полигонга тўрт марта чиқиб, танкни бошқариш машқларини бажарганини мамнуният билан айтди. Умуман олганда, йигитлар танкчи офицерлик касбини танлаганидан ғурурланишини таъкидлаб ўтишди.

Офицерские династии

ОТЕЦ МОЖЕТ ГОРДИТЬСЯ

Уроженца древней Бухары курсанта четвертого курса Самаркандского высшего военного автомобильного командно-инженерного училища (СВВАКИУ) Ивана Овчинникова в родном училище считают достойным продолжателем офицерской династии. Парень успешно осваивает учебную программу, имея все шансы закончить учебное заведение с высокими оценками.

Будущий специалист по ракетно-артиллерийскому вооружению и в командно-штабной машине на месте связиста чувствует себя вполне уверенно. Это говорит о том, что данное училище уделяет большое внимание разносторонней подготовке курсантов с тем, чтобы уже на первом месте службы выпускники легко адаптировались к новым условиям.

– Курсанта Овчинникова по праву можно назвать одним из одаренных будущих офицеров, – тепло отзывается о нем преподаватель цикла РАВ и его эксплуатации майор Валижон Юсупов. – Думается, что после окончания учебы он будет достойно представлять СВВАКИУ в войсковой части.

Со слов курсанта Ивана Овчинникова, основы патриотического воспитания заложены в нем отцом, полковником в отставке, Олег Евгеньевич и поныне остается верным делу защиты Родины, на посту председателя Бухарского областного Совета ОСО «Ватанпарвар» внося весомый вклад в дело подготовки специалистов для Вооруженных Сил нашей страны. Не последнюю роль в выборе будущей профессии молодого человека сыграл и пример старших братьев. В настоящее время подполковник Николай Овчинников служит на военной кафедре, а капитан Дмитрий Овчинников – в Юго-Западном особом военном округе.

Нет сомнений, отцу приятно осознавать то, что и младший из его сыновей достойно продолжает эстафету преданного служения Отчизне.



Соревнование – силы множит

БЕЗ ПРАВА НА ОШИБКУ

В Самаркандском высшем военном автомобильном командно-инженерном училище (СВВАКИУ) кафедра инженерных войск является одной из передовых. Так, по итогам минувшего учебного года она заняла первое место в соревновании среди кафедр высших военно-образовательных учреждений Министерства обороны.



Здесь подобрался квалифицированный коллектив единомышленников, все свои усилия направляющий на качественное обучение будущих офицеров. Возглавляет кафедру подполковник Шомурот Суванов, который прошел в войсках путь от командира взвода до начальника инженерной службы СЗВО, закончил Академию Вооруженных Сил Узбекистана, обучался на курсах при Академии инженерных войск РФ.

«Сапер не имеет права на ошибку» – под таким девизом проходит на кафедре соревнование среди курсантов на звания «Лучший сапер», «Лучшая саперная секция» и «Лучшая саперная группа». По первой номинации в минувшем году победил курсант четвертого курса Пулат Сеитов, ему вручена Почетная грамота. Среди секций звания лучшей удостоилась секция под командованием младшего сержанта Умида Рахмонова, а из групп признана достойной такого звания группа старшего лейтенанта Бориса Рамазанова.

Активно занимаются преподаватели кафедры и разработкой учебно-методических пособий для курсантов. Так, в 2004 году была издана книга старшего преподавателя подполковника Батыра Хусенова на государственном языке, а в 2005 году представлен к публикации его учебник. За ратный труд преподаватель достойно отмечен Родиной: несколько лет назад он был удостоен Почетной грамоты Президента Узбекистана.



Бугун курсант – эртага офицер

РАДИОСТАНЦИЯЛАРНИ ШАЙЛАБ

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлиги махсус факультетида бўлажак алоқачи офицерларни тайёрлаш мобайнида радиоалоқа мутахассислигига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Чунки замонавий жангда ҳарбий қисмларнинг доимий жойлашув манзилидан бўлинмалар узоқлашган пайтларида улар учун энг ишончли алоқа турларидан бири радиоалоқа ҳисобланиши сир эмасдир.

Билим юртининг радиоалоқа кафедраси катта ўқитувчиси майор Иброҳим Холматов ўз касбининг моҳир устаси ҳисобланади, бўлажак алоқачи офицерларга билимларини етказишда салмоқли натижаларга эришмоқда. Жумладан, истеъдодли офицер чет элларда бўлиб ўтган ҳарбий машқларда ҳам ўзбек миллий армияси шарафини муносиб ҳимоя қилгани учун юқори қўмондонлик томонидан рағбатлантирилган.

Яқинда факультетда бўлганимизда, битирув курси курсантларини қишки сессия имтиҳонларини муваффақиятли топшираётганининг гувоҳи бўлгандик.

– Тактикадан «тўрт» олдим, – деди қувонч билан курсант Нуриддин Сотиболдиев. – Энди радиорелей алоқаси бўйича имтиҳонни топширсам, Фарғона вилояти Бешариқ туманида яшовчи ота-онам бағрига таътилга ёруғ юз билан бораман.

Курсантлар Анвар Ҳасанов, Рустам Обиджонов ва Илёс Жўраевлар ҳам ўртоқларидан қолишмасликка астойдил интилишмоқда. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки билим юртида уюштирилган мусобақада ҳар бир олинган баҳо бўлинма натижаларига таъсирини кўрсатиши аниқ. Энг илғор бўлинма бўлиш учун олиб борилаётган қизғин баҳсда голиб бўлишга бел боғлаган йигитлар бутун диққатини аъло ва яхши баҳолар олишга қаратишмоқда.

Дала-ўқув машқларида кенг фойдаланилаётган қўмондонлик-штаб машиналаридаги радиостанциялардан тортиб энг замонавий радио алоқа воситаларигача мазкур факультетда мавжуд бўлганлиги армиямиз учун малакали алоқачи офицерлар тайёрлашга ижобий таъсирини кўрсатмоқда.



АЁЛЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аёллар билан бўладиган муносабатларга келсак, ислом ташқи муносабат қоидаларида ғайритабиий қонунларнинг айрим томонларини жорий қилиб қўйган, лекин шахсий ҳаётда эмас, бу эса шуни билдирадики, шахсий ҳаётда ҳамиша қадимий кўчманчилик ҳаёт тарзи ҳукм суриб келади ва бека ўз билганича эркин ва чўлда яшагандай чексиз ва Константинополдаги хонимдай хўжайинлик қилади». Бу билан тарихчи олим аёлнинг ҳақ-ҳуқуқларига ҳам ҳурмат билан ёндашилгани, унга эҳтиром кўрсатилганини эътироф этади.

Бу борада яна тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Турғун Файзиев ўзининг «Сарой Мулк хоним» мақоласида шундай ёзган: «Амир Темур саройида жорий этилган тартибга кўра, чет эллик элчиларни қабул маросимларида ҳукмдор ёнида ҳамиша унинг аёллари иштирок қилганлар. Испания қироли Генрих III нинг Самарқанд ҳукмдори Темур ҳузурига юборган элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг ёзишича, 1404 йил 8 сентябрь – душанба куни Амир Темур Самарқанд четидаги «Дилкушо» боғида элчиларни қабул қилган. Қабул маросими катта зиёфат ва тантана билан бошланган. Клавихонинг ҳикоя қилишича, ушбу маросимда ҳукмдор Темурнинг ёнида Сарой Мулк хоним бошлиқ барча хотинлари юзларига парда ташлаб ўтирганлар». Менимча бу ҳолатни ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ. Мамлакат ҳукмдорининг аёлга муносабати шундай бўлгач, фуқаролари ҳақида алоҳида тўхталиш ортиқча. Шу ўринда бир фикр туғилди. Ўзининг ҳар хил демократик «қадриятлари»ни бизга тиқиштирмоқчи бўлаётганлар бир неча асрлар муқаддам бизда унинг, хусусан, хотин-қизлар ҳуқуқларига ҳурматимизнинг тантана қилганини билишармикан? Бу мисолни бежиз келтирмадик. Ахир испан элчиси мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак эҳтиромга қойил қолганидан шуларни ёзган-да.

Шу ўринда яна бир гап – аёлларимизнинг давлат ишларидаги иштироки билан боғлиқ ҳолатга ҳам тўхталсак. Аниқроғи, тилга олинаётган Сарой Мулк хоним мисолида буни кўриб ўтсак. Мактабда тарих фанидан сабоқ олганимизда бизга қадимда аёлларимиз тўрт девор ичида тутқунлардек ҳаёт кечиришгани, ҳеч қандайин ҳақ-ҳуқуққа эга бўлишмагани ва ҳоказо чўпчакларни кўп айтиб беришарди. Бу билан гўё шўролар даврига келиб ўзбек аёли рўшнолик кўраётгани таъкидланарди. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Сарой Мулк хоним сиёсатдон ва инсонпарвар аёл бўлиб, салтанатни бошқаришда билвосита қатнашган. Салтанатни идора этиш қийинлашиб қолган пайтларда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан мушкулларни осон этган. Ёзувчи Жўра Фозил ўзининг «Бухоро маликаси» қиссасида тарихий маълумотларга асосланиб, мамлакатни моҳирона бошқарган, уни босқинчилардан мардонавор ҳимоя қилган, ҳатто бу йўлда қўлига қилич олиб курашган аёл ҳақида ҳикоя қилади. Бу тарихий шахс малика Қабож эди. 680 йилда эри Бидун Бухорхудот араблар томонидан ўлдирилгач, малика Бухоро тахтининг қонуний эгаси бўлади, арабларга қарши мислсиз курашлар олиб боради ва 695 йилгача ақл-заковат, адолат билан салтанатни бошқаради. Бундайин мисолларни кўплаб келтириб ўтишимиз мумкин.

«Бугун мамлакатимиз ҳаётининг қайси томонини олмайлик – оддий оиланинг рўзғорини тебратишдан тортиб, давлат ва жамият қурилишигача, иқтисодиётни ривожлантиришдан тортиб соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданият ва илм-фан тараққиётигача – бу соҳаларнинг барчасини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз», деган эди Президентимиз.

Халқаро миқёсда олиб қарайдиган бўлсак, мингйиллик саммитида илгари сурилган саккизта устувор масаланинг ичида хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг эркаклар билан тенглигини рағбатлантиришдек улуғвор мақсад ҳам бор. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасидан яқинда олган маълумотларимизга кўра, жорий йилда Халқаро хотин-қизлар кунида аёлларнинг бошқарув органларидаги релини ошириш, уларни қарорлар қабул қилинадиган жараёнларга тўла жалб этишдек муаммо жойларда муҳокама этилиши тавсия этилган. Демак, бу борада ҳали мамлакатларда муайян муаммолар бор. Айнан мазкур масала борасида бир мисолни келтириб ўтсак. Президентимизнинг 1995 йил 2 мартдаги Фармони билан республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Бош вазир ўринбосари, маҳаллий ҳокимликларда қўмиталар раисалари ҳоким ўринбосарлари ҳисобланишади. Бу аёлларимизнинг бошқарув жараёнида ўзига хос мақомга эгалигини кўрсатади.

Оналаримизни, аёлларимизни тунлари бедор бешик қучиб, биргина алла айтишгани учун ҳам умрбод бошимизга кўтарсак арзийди. Ахир, алла билан фарзанд қалбига, онгу шуурига меҳр, муҳаббат, гўзал бир маънавият сингдирилган. Тўғри аллалар турлича. Аммо уларнинг уйғун жиҳати негизида меҳр, муҳаббат борлиги, шундайин улуғвор туйғуларга йўғрилгани. Оналарнинг пок орзу-армонлари, истаклари, ниятлари жамлангани.

Дарвоқе, пок орзулар, ниятларимиз ҳосиласи бўлган, яқинда Бош майдонимиз узра қад ростлаган «Мустақиллик ва эзгулик монументи» га назар солинг. У аёлга, онага бўлган эҳтиромимизни, меҳру муҳаббатимизни акс эттиряпти-ку.

Майдон узра борар экансиз, Эзгулик аркасидан Бахтиёр она сиймоси сари олиб борувчи йўлак оппоқ орзулардан тўшалгандек туюлади. Таниш чеҳрани кўряпсизми. Сизга, ака-укаларингизга, опа-сингилларингизга алла айтган онангизга ўхшаяптими? Қаранг, қанчалар бахтиёр. Бағрига гўдагини босиб тургани, юзида шукроналик, ҳаётга муҳаббат, ўзининг, фарзандининг келажагига, демакки, Ўзбекистонининг буюк истиқболига қалбида ишонч балқиб тургани унинг бахтидан, истиқлол сабаб кулаётган толеидан дарак. Бахтиёр онага қараб туриб меҳрни, ўзбекона бир меҳр-муҳаббатни, болажонликни, садоқатни, вафо, иббни ўқасиз. Юртбошимизнинг олижаноб ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида қад ростлаган бу монументни зиёрат қилишга келадиган хорижий меҳмонлар аёлга, онага бўлган эҳтиром қадрият даражасига кўтарилганини яна бир бор англашади, ҳис қилишади, Аёллари улуғланган, улуғланаётган юртнинг келажаги буюк бўлишига ишонишади.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

МАХСУС ОЛИМПИАДА – ИМКОНИЯТЛАРГА ИШОНЧ

Махсус олимпиада халқаро ҳаракати ҳақида эшитганмисиз? Унда бунинг тарихи хусусида қисқача сўз очамиз. 1968 йилда Юнис Кеннеди Шрайвер хоним бу ҳаракатга асос солди. Бундан кўзланган мақсад ақлий, жисмоний қусури бор инсонларни спортга жалб этиш орқали уларнинг саломатликларини тиклашдир. Таъкидлаш жоизки, бу ҳаракатнинг кўлами йилдан-йилга кенгайиб, ҳар йили маҳаллий, миллий, халқаро даражаларда мусобақалар ўтказилиб келинаётир. Бугун 160 мамлакатнинг 2 миллиондан ортиқ махсус олимпиада атлетлари олимпиада ўйинлари услубида ташкил этиладиган қишки ва ёзги спорт мусобақаларида қатнашишади. Шуни айтиш лозимки, махсус олимпиада 2001 йилдан эътиборан Ўзбекистонга ҳам кириб келди.

Ўзбекистонда махсус олимпиаданинг фахрий президенти Бош вазир ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова ҳисобланади. «Ўзбекистон махсус олимпиадаси ҳам эзгу мақсад ва ниятларга йўғрилган. Интеллектуал ривожланишдан оқсаётган кўплаб инсонларни, айниқса ёшларни спортга жалб этиш орқали, уларда ўзига, имкониятларига ишонч туйғулари шаклланмоқда», дейди жумладан у.

Қувонарлиси шундаки, махсус олимпиада орқали спортда эришаётган улкан ютуқларимиз бор. Дейлик, энди ташкил топган пайтлар мамлакатимизда 2300 нафар атлет спортга жалб этилган бўлса, ҳозирда улар сони 8100 нафарга етган. 2002 йилда Қозоғистонда Марказий Осиё мамлакатларининг биринчи олимпиада ўйинлари ўтказилганда бизнинг махсус атлетларимиз 13 олтин, 7 кумуш, 11 бронза медалларини қўлга киритишган. 2003 йилда Дублин (Ирландия) да бўлиб ўтган умумжаҳон махсус олимпиадасида спортчиларимиз 3 олтин, 2 кумуш ва битта бронза медали билан юртимизга қайтишган. 2004 йилнинг майида Грецияда бўлиб ўтган халқаро спорт фестивалида Ўзбекистон махсус олимпиадаси жамоаси баскетболчилари бронза, сув спортчилари олтин, кумуш, бронза медаллари соҳибига айланишган. Япониянинг Нагано шаҳрида 2005 йилда бўлиб ўтган махсус олимпиаданинг қишки ўйинларида чанғичиларимиз 2 та бронза медалига сазовор бўлишган.

Ўзбекистон махсус олимпиадаси кўпроқ ёшларимизни ўзига жалб этаётганини таъкидладик. Шу ўринда оммалашаётган айрим дастурлар хусусида тўхталсак. Масалан, «Юнифайспорт» дастури кўмаклашувчи мактаб ва махсус интернатлардаги интеллектуал ривожланишдан оқсаётган болаларга умумтаълим мактаблари, лицей, коллежлардаги тенгқурлари билан ҳамкорликда спорт машғулотларини ўташга йўналтирилган. «Оила» дастури эса ақлий қусурли фарзандлари бор ота-оналарни махсус олимпиада мусобақаларига қизиқтиришга қаратилган.

Яқинда Ўзбекистон махсус олимпиадаси раҳбарияти бир гуруҳ халқаро, ноҳукумат , спорт ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирокида анжуман ўтказиб, режадаги ишлар, хусусан, ҳомийлик масаласи борасида фикр алмашишди.

Сафар АЛИЕВ.



ЙИГИТЛАР ХАЛҚЛАРНИНГ МАҚТОВИ, КЎРКИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муддатли ҳарбий хизматни тамомлаган йигитда хоҳиш туғилса бўлди, дарҳол шартнома асосида хизматни бошлаб юбораверади, деганлар адашадилар. Бундай хизматга ўтиш учун аввало жисмоний жиҳатдан тайёргарлиги юқори, маънавий жиҳатдан етук бўлиши зарур. Демак, интеллектуал салоҳияти ҳам кучли бўлиши талаб этилади. Гап ўзўзидан шартнома бўйича хизмат қилмоқчи бўлганларнинг дунёқараши, фикрлаш доираси, билимига келиб тақалмоқда. Синаб кўрилади, саралар сараланиб, энг муносиблар билангина контракт тузилади. Шундан сўнггина хизматни бошлаш, Ватан ҳимоячилари сафидан жой олиши мумкин. Шу боис ҳам, эътибор бераётган бўлсангиз, кейинги вақтларда кўплаб олий маълумотлилар ҳам хизматнинг шу турини танлашяпти, сержантлар тайёрлаш мактабларида таҳсил олишиб, сержант бўлишяпти. Аслида, Қуролли Кучларда ўтказилаётган ислоҳотларнинг талаби ҳам шу.

Бугунги миллий армиямизнинг сержанти Ватанимиз ҳимоячиларининг янги вакили, янги авлоди. Бу авлод ота-она қадрини, Ватан туйғусини яхши билишади, яхши тушунишади. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Ватан – бу аввало, ота-она, туғилган ер, севикли ёр, дўст-биродар дегашидир. Шу қутлуғ тушунчалар бирлашиб Ватан туйғусини ҳосил қилади».

Яқинда таҳририят топшириғига биноан Қарши гарнизонида сафарда бўлиб қайтдим. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар даврасида бўлдим. Шартнома бўйича хизмат қилишаётган сержантлар билан мулоқотда бўлдим. Қишки мавсум ўқув машғулотларида фаол иштирок этишаётган сержантларнинг машқларида иштирок этиб, уларнинг маҳоратини кўриб, беҳад мамнун бўлдим.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ўктам Худойқулов Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидан. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган. Сержантлар мактабида ўқиган. Тўрт йилдан буён хизматда.

– Аскар бўлиб хизмат қилиб юрган чоғимда, – дейди у, – хизматда қолиш истагим бор эди. Шу боис бурчимни ўтаб бўлгач, шартнома бўйича хизматни бошладим. Ростини айтсам, сержантлик ҳам касб эканлигини хизматимни бошлагач, англаб етдим. Касб бўлганда ҳам жуда қизиқарли, шарафли ва шу билан бирга масъулиятли. Бир марта ҳарбий машқларда иштирок этган киши буни дарҳол англаб етади.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Нодир Сафоев Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридан. Нодир ҳам муддатли хизматни тамомлагач, сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиган. Беш йилдан буён Ватан ҳимоячилари сафида фаолият кўрсатиб келмоқда.

– Мустақиллик туфайли биз йигитларда ҳарбий хизматни танлаш имконияти туғилди, – дейди хурсанд бўлиб Нодир. – Сабаби аниқ, фақат истиқлол йилларидагина бизда ҳарбий хизмат сўзда эмас, амалда обрў-эътиборли, нуфузли касбга айланди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда шартнома бўйича хизмат қилишни хоҳловчилар сафи кенгайиб бормоқда. Ҳатто олий маълумотлилар сержантлар тайёрлаш мактабида ўқишиб, бизнинг сафимиздан жой олишяпти.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Отабек Норинов Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидан. Муддатли ҳарбий хизматни тамомлаган, хизмат фаолиятини бошлаганига ҳали унча кўп бўлган эмас. Сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиган.

– Йигит киши албатта бирор касбни эгаллаши муҳим аҳамиятга эга, – дейди Отабек. – Ҳарбийликни танлашдан аввал ота-онам билан маслаҳатлашдим. Кейин бир қарорга келдим. Фаолиятим давомида тўғри қарорга келганимга амин бўлдим. Сержантлик – касб. Касб бўлганда ҳам шарафли касб. Тан олиш керак, ўзига яраша машаққатли жиҳатлари бор. Дилингизда иштиёқ бўлса, астойдил ҳаракат қилсангиз, қийинчиликларни енгиб ўтиш осон кечар экан.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Бозор Амирқулов Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманидан.

– Муддатли хизматни ўтаб юрган чоғларимдаёқ шартнома бўйича хизматда қолишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйган эдим. Мана, бугунги кунда ўз мақсадимга эришдим. Ҳозир Юртбошимиз ҳам, Қуролли Кучлар раҳбарияти ҳам сержантлар тайёрлашга, уларнинг хизмат қилишлари учун қулай шарт-шароит яратиб беришга жиддий эътибор беришиб, катта ғамхўрлик қилишмоқда. Биргина сержантлар тайёрлаш мактабларини олиб кўрайлик. Бу мактаблар энг замонавий ўқув бинолари, ўқув қуроллари билан таъминланган. Мактабларда ҳарб илмининг билимдонлари, малакали офицер ўқитувчилар дарс беришмоқда. Мактабни тамомлаб, хизматни бошлаганингиздан сўнг ҳам командир ва бошлиқлар сержантларга катта ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Муносабат юқори даражада бўлгач, ана шу муносабатга муносиб бўлиш керак-да. Биздан талаб битта: ўз касбимизни устаси бўлиш, маҳорат жиҳатидан ҳеч кимдан қолишмаслик, доимо жанговар шай бўлишлик.

Биз Ватан ҳимоячилари ўз постимизда ҳушёр турсак, ҳеч ким бизнинг тинч ва осойишта ҳаётимизга раҳна сололмайди.

Ишончим комилки, ўз ҳаётларини Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли иш билан боғлашган, сержантлик касбини эгаллашган йигитларимиз юртимизга садоқат билан хизмат қилишиб, унинг шону шуҳратини бутун дунёга тараннум этишаверади.

Ишончим комилки, томирларида буюк боболаримиз – Амир Темур, Жалолиддин Мангубердилар қони оқиб турган довюрак сержантларимиз юртимиз тинчлиги, халқимиз омонлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраб-авайлайверишади.

Подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ, «Ватанпарвар» мухбири. Комолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.



ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!

ҲАФТА ГЎЗАЛИ



Суратдаги гўзал, лобар, дилбар қиз «Фан» йўналиши бўйича «Зулфия» номидаги давлат мукофотини олган сурхондарёлик Феруза Қурбонова бўлади. Демак, илм-фан бобида юксак чўққиларни забт этишга, бу билан мустақил Ўзбекистони довруғини дунёга янада ёйишга бел боғлаган ўзбек қизларидан бири.

Феруза айни пайтда Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа факультетида аъло баҳолар билан таҳсил олиб келмоқда.

Бир нарсани шу ўринда таъкидламоқ жоиз. Зулфияхоним қизларининг ақл-заковатда имкониятлари кенг. Дейлик, «Фан» йўналишида мукофот олгани билан унинг қизиқишлари асосан шу доирада чекланиб қолмайди. Шу маънода Феруза Қурбонова ҳам бадиий адабиёт, шериятга ихлоси баланд. Шеърлар машқ қилиб туради. Чеварлик, пазандалик бобида ҳам дугоналарига намуна. Ибо, ҳаё, андиша бу гўзалнинг энг асосий безакларидир.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

В МИРЕ РЕКОРДОВ

● Самый маленький в мире кот живет в городе Пекине, американский штат Иллинойс.

Коту Мистеру Пиблзу два года, а весит он всего лишь 1 килограмм и 300 граммов. В 2004 году он официально был признан самым маленьким домашним котом в мире. Рекорд этот подтвержден Книгой рекордов Гиннесса.

● На сегодня самый быстрый седан мира – «Brabus E V12 Biturbo». Его научили ездить со скоростью 350,2 км/ч: официальный рекорд был зафиксирован в Италии, на гоночном треке Нардо. В нынешнем чемпионе стоит турбонадувный двигатель V12. Объем его увеличили с 5,5 до 6,3 л за счет установки нового коленвала и увеличенных поршней. Вдобавок поставили спортивные распредвалы, проточили головки блока, перепрограммировали электронику и заменили выпускную систему на нержавейку со спортивными катализаторами и четырьмя выхлопными трубами. После чего «V12 Biturbo» смог развить 640 л.с. Результаты замеров на полигоне говорят сами за себя: 4,5 сек.-до 100 км/ч, 11,7 сек.-до 200 км/ч и 30,6 сек.-до 300 км/ч.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Шоир Сирожиддин САЙИДнинг «Улуғроқ иш борми элнинг тинчидан» шеърининг ҳали сиёҳи қуригани йўқ. Ушбу шеър Ватанимиз посбонларига маъқул келади, деган умиддамиз. Қўшиқ қилиб куйласа ҳам бўлади.

УЛУҒРОҚ ИШ БОРМИ ЭЛНИНГ ТИНЧИДАН

Ёмонлик – ёмонда,
Меҳр – дўстдадир.
Элнинг ўғлонлари доим постдадир.
Адолатнинг қўли баланд келса гар,
Разолат доимо тубан, пастдадир.

Бизлар Ватан қурдик – муҳташам,
кўркам,
Қадду камолингдан айланай, ўлкам.
Ҳар қизинг синглимдир,
Ҳар боланг – укам,
Бари очиқ чеҳра ҳам орастадир.

Бизни бу дунёда кўролмаганлар,
Бир зум ёмонликсиз юролмаганлар,
Умрида бир кўприк қуролмаганлар,
Бири – ҳасад қилар,
Бири – қасддадир.
Токи фарзандларнинг бедор диллари,
Эзгулик боғининг эсар еллари.
Эй сиз, келажакнинг генераллари,
Сизга ким ҳайрату,
Ким ҳавасдадир.

Сўранг ҳар чўпону ҳар ўтинчидан,
Улуғроқ иш борми элнинг тинчидан,
Қуёш ҳар тонг берган нур суюнчидан,
Қаранг, қандай жавлон хору хастадир.

Бир гул япроғига тушса гар титроқ,
Шоирнинг қалби ҳам титрагай шу чоқ.
Сўзлари ҳам уйғоқ,
Ўзи ҳам уйғоқ,
Шоир ҳам бир умр асли постдадир.

КАКОГО Я ЦВЕТА?

ЭКСПРЕСС-ТЕСТЫ

Цветовой тест Люшера (пусть и в облегченном варианте) поможет вам заглянуть в себя. Приготовьте восемь разноцветных карточек (цвета перечислены ниже). Выберите, какой цвет вам приятен в данный момент (не соотнося с любимым цветом одежды или автомобиля!). Уберите карточку. Теперь выберите самый приятный из оставшихся. Уберите. И так далее. Если вы предпочитаете:

● **серый** – вы отгораживаетесь от внешнего мира, чтобы сохранить внутренний покой. Серый цвет на последнем месте? Вам не хватает ярких впечатлений;

● **темно-синий** – в минуты неудач вы легко впадаете в уныние. Синий «финиширует»? Вы жаждете перемен;

● **зеленый** – вы самоуверенны, стараетесь «улучшить других». Зеленый в «хвосте»? Вы часто жалуетесь на то, что окружающие слишком многого от вас хотят;


● **желтый** – вы оптимист, любите движение, эмоциональную вовлеченность. Противникам желтого не хватает уверенности в себе и самостоятельности;

● **фиолетовый** – у вас нереальные требования к жизни. Отвергаете фиолетовый? Вы любите вокруг себя атмосферу гармонии и согласия;

● **оранжево-красный** – свойственны активность, властность, стремление к глубоким чувствам. Те, кто исключают этот цвет, не принимают агрессии;

● **коричневый** – вы много тревожитесь по пустякам и испытываете потребность в отдыхе. Ненавидите коричневый? Значит, не любите обыденность и рутину;

● **черный** – вы часто терпите неудачи. Черный в конце? Ждете от жизни слишком многого и часто рискуете.



КАПЛИ ДАТСКОГО КОРОЛЯ

Перед вами два списка слов. К каждому слову из первого списка надо подобрать соответствующее слово из второго так, чтобы получилось выражение вроде «Сизифов труд», «Капли датского короля» и тому подобное.

1. Азбука. 2. Бочка. 3. Аппарат. 4. Вал. 5. Гиперболоид. 6. Тормоз. 7. Бином. 8. Конь. 9. Лампа. 10. Меч. 11. Нить. 12. Осел. 13. Пята. 14. Глазки. 15. Счетчик. 16. Пир. 17. Узел. 18. Победа. 19. Башня. 20. Пустота. 21. Палочка. 22. Соль. 23. Голова.

1. Гейгер. 2. Аладдин. 3. Ньютон. 4. Дамокл. 5. Пирр. 6. Лукулл. 7. Гордий. 8. Морзе. 9. Троя. 10. Анюта. 11. Ариадна. 12. Буридан. 13. Кох. 14. Диоген. 15. Ахиллес. 16. Кардан. 17. Шухов. 18. Вестингауз. 19. Инженер Гарин. 20. Глаубер. 21. Илизаров. 22. Торричелли. 23. Профессор Доуэль.

ОМАД КАЛИТЛАРИ ШИҚИРЛАГАНДА...

Ҳар субҳидам Қуёш қўнғироғини чалганда, деразамни ланг очаман-у, теварак-атрофга разм соламан. Мусаффо ҳаво димоғимга ажиб бир муаттарликни олиб келади. Тўйиб-тўйиб нафас оламан. Нақадар сахий табиат. Яратганга ва бугунги кунимизга шукроналар айтаман. Кейин эса, одамлар оқимига кўзим тушади. Кимдир шошилиб бекатга югурган, кимдир хотиржам ўз йўлида давом этаяпти. Кимдир эса, боласини боғчага етаклаб кетаяпти, кимдир тўрхалтасини кўтариб, дўконга ошиқаяпти. Ҳа, бу манзаралар кундалик рўзғор, турмуш уринишларининг бир кўриниши, холос...

Дарҳақиқат, одам боласи дунёга келибдики, қандай қилиб яхши яшаш, ҳаётда ўз ўрнини топиш йўлларини тинмай қидиради, изланади, баҳоли қудрат ҳаракат қилиб айрим натижаларга эришади ҳам. Аммо кимдир мақсадига осон ва тезда етишса, яна кимдир не ҳасратлар, машаққатлар эвазига ўзининг ҳаёт мундарижасини туза бошлайди. Уларнинг ҳаёт тарзини кузатиб турувчи томошабинлар эса, шубҳасиз, ён-атрофдаги ошно-оғайнилари, қадрдонлари, қўни-қўшнилари ва таниш-билишларидир.

Одамлар қизиқ-да. Биров тақдир тақозоси билан бирданига бойиб кетса ёки бирор-бир мансаб курсисига ўтириб қолса, фалончининг омади бор экан, деб жар солишади. Ёхуд аксинча, биров қийналиб, ёлғизланиб, ишлари юришмай, паришонхотир бўлиб юрса, меҳрибонлик ва далда ўрнига, шўрликнинг омади чопмаганда ўзи, дея кесатиб ҳам қўйишади.

Хўш, «Омад» нима ўзи? У бизга жудаям зарурми? Ёки у бир холис имконми? У бизни не кўйга соладими ёки биз уни ҳар хил тушунчаларда талқин қиламизми? Унинг кишилик жамияти учун дахли борми? Фойдаси-чи...

Келинг, азиз муштарийлар! Ушбу мақоламизда Омад ҳақида мухтасаргина фикр юритсак...

Қаранг, коинот ғоят гўзал. Осмон нақадар чексиз. Чексизлик бор, демак, ҳаётда имконият борлигига ишора. Инсонлар ва табиат ўртасида мутаносиблик ришталари. Фақат уни биз ақл тарозисида ўлчаб, ўринли хулоса чиқара билишни ўрганишимиз керак. Менинг назаримда, Омад бу нисбий тушунча. Унга берилиб кетиш, кетидан қувиш, эътиқод қўйиш ярамайди. Бундай тушунча одамни теранроқ фикрлашдан чалғитиши ҳам мумкин. Шунингдек, у одамни узоқни кўра билишдан узоқлаштиради. Аслини олганда, одамнинг омадли ёки омадсиз бўлиши (агар у чиндан ҳам катта босимга эга бўлса) аввало, юз фоиз ва қисман атрофдаги кимсаларга ҳам боғлиқ. Чунки, у қачондир кимгадир қилган яхшилигининг эвазига мукофот олаётгандир, балким. Чунки, бу қайтар дунё! Хуллас, ҳаётдаги юз беражак ҳар қандай Яхшилик ва Ёмонликнинг маълум даражада сабаблари бор.

Лекин, бирор киши мен омадли эканман деб эришган ютуқларига маҳлиё бўлиб қолса, бу ҳам яхшиликка олиб бормайди. Ахир, энди унга ҳеч қанақа тўла-тўкис ҳаётнинг қизиғи йўқ. Барча шарт-шароит муҳайё. Егани олдида, емагани нарида. Бўлди. У кўзлаган мақсадига етди ҳисоб. Бошқа мақсад бекатларига ўтолмайди. Чунки, боя айтганимдай узоқни кўра олмайдида. Ўзича Омад деб суянаётган нарсаси уни тўхтатди. Ҳаёт гўзаллигининг пурмаънолилиги шундан иборат, деб хулоса ясайди у. Ҳолбуки...

Аввало, зеҳн солиб қарайдиган бўлсак, ҳар бир банданинг ўзига яраша омади бор. Чунки, Яратган меҳрибондир, раҳмдил зотдир. У бизнинг илтижоларимизни, умид билан осмонга узатилган қўлларимизни қуруқ қайтармайди. Биз албатта Яратганга ношукурлик қилмаслигимиз лозим. Қайсики маънода, фалончи омадли экан, иқболи баланд экан, қабилидаги эртакнамо гап-сўзлар билан. Ахир, ҳамма нарса ўлчовли. Менинг фикримча, такрор айтаман «Омад» – дейилаётгани – ҳавойи эмас, у қилган ишларингизнинг ижобий натижасидир. Лекин у агар ҳалол бўлса. Бу нима дегани? Масалан, фалончи мансабга минибди, дейилганда ким билади, у қандай йўллар билан шу мақомга эришдийкин? Балки таниш-билишчилик, ошно-оғайнигарчилик туфайлидир? Балки хушомадгўйлик, балки бошқа моддий манфаатлар эвазигадир? Агар шундай бўлса, энди бу «Омад» ҳалол, яъни ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ёки яна айрим одамлар қарсаклар чалиб, фалончи қанчалар омадли, дея олқишлашади. Кейин эса, аттанг фалончи омадсиз экан, деб тап тортмасдан – кескин хулоса чиқаришади ҳам. Нақадар шафқатсизлик! Бировни камситиш, маънавий хўрлаш эвазига ўзгаларни олқишлаш?! Буниси энди асл одамнинг иши эмас. Бу бориб турган номардлик, номақбулликнинг ўзгинасидир.

Биз энди иккинчи тоифадаги одамлар ҳаётини кузатамиз. Менинг наздимда, аслида энг омадли одамлар ўшалардир. Нега? Чунки, улар машаққатлар юкини кўтариб чидам ва матонат ила ер юзида яшаб юрибдику? Зорланмаяпти ҳам, нолимаяпти ҳам. Бундай сабр-қаноатли одамлар кенг маънода омадли одамлар ҳисобланади. Ахир, улар озорлар исканжасида «қурбон» бўлиши ҳам мумкин эди-ку?! Демак, улар маънан соғлом – жисмонан бақувват, ҳаёт синовларига ва зарбаларига дош берувчи курашчан замондошларимиздир. Қандай қилиб биз уларни омадсиз одамлар дейишимиз мумкин? Қандай қилиб? Мантиққа тўғри келмайдида. Демак, ким омадли? Биринчи тоифадаги одамларми ёки иккинчи тоифадаги одамларми? «Бахт», «омад», «иқбол», «толе» нима ўзи?

Шу ўринда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандниг ҳаммамизга ёд бўлиб кетган «Қалбингда Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин», деган ҳикматларини эслатмоқчиман. Бу ҳикмат замирида олам-олам маъно бор. Етукликка, комилликка даъват бор. Ўша юқоридаги тушунчаларнинг аниқ ифодасини одам ўзининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда излаши керак. Шунингдек, табиат ва одамлар ўртасидаги мутаносибликни ҳам. Ахир, ҳар бир одам нечоғлик куч-қудратга эга эканлиги билан ҳаётда ўз ўрнини топа оладику! Энг аввало бу дунёқарашга, маънавий бус-бутунликка боғлиқ. Баъзан айрим кишиларнинг, мен фалончиман, деб гердайишини, ўринсиз фикрлашларини кўриб, юрагим орқага тортиб кетади. Яъни, «мен яхши-ю, сен – ёмон». Бу такаббурликдан бошқа нарса эмас. Такаббурлик эса ҳеч кимга ярашмайди. У беўхшов тикилган либосга ўхшайди. У мавжуд. Лекин фойдаси йўқ. Кераксиз. «Омадим бор», «Омадлиман», дегувчи мақтанчоқ кимсаларнинг барчаси таассуфлар бўлсинки, такаббурлик қурбонларидир.

Энг ачинарлиси шундаки, такаббурга ишониб, суяниб бўлмайди. Чунки, унинг йўли нотекис, қоқилиши, йиқилиши турган гап...

Ҳаёт – адолатли мураббий. У ҳеч қачон ҳовлиқма кимсаларни хуш кўрмаган! У ҳамиша оғир-босиқ, вазмин инсонларни қўллаб-қувватлаган.

Умрим давомида неча бор кузатганман. «Мен омадлиман», дегувчи шошқалоқ кимсаларнинг кўпчилиги охир-оқибат залолат кўчасига кириб қолганлар. Залолат – бу ёпиқ йўлдир. Имкониятлар эшиги ёпилган. У ҳовлиқиб қўлидан «ақл калава»сини чиқариб йўқотиб қўйди. Энди барчасини бошқатдан бошлаш керак. Бунинг учун эса вақт муаммоси турибди. Мана шунинг учун ҳам йўл «ёпиқ» бўлади. Вақт кутиб турмайди. Вақтни орқага қайтариб ҳам бўлмайди. Бу табиатнинг мутлоқ қонуни.

Ўйлаб қоламан. Нега биз боқимандалик кайфиятидан чиқиб кетолмаяпмиз. Қачон тиниқ, равон фикрлашни ўрганамиз? Қачонгача «омад» деган тайёр нарсаларга зўр бериб сиғинамиз? Қачонгача ўзимизни чалғитамиз? Даҳшатлиси шундаки, одам фикрлашдан, изланишдан тўхтаган дақиқадан бошлаб, унинг умри ҳам ниҳояланиб бораверади. Ҳаётимиздаги шахсий муаммоларни ҳал қилиш тўғрисида бош қотиришнинг ҳам ўзига хос «гашти» бор. Чунки, мия тўқималарида ухлаб ётган ҳужайралар «меҳнат» қилади. Бу ҳаракат, уйғониш бутун организм бўйлаб иммунитетнинг кўтарилишида муҳим аҳамият касб этади. Танада қон айланиш яхшиланади. Ички органлар ўзаро «иноқ» бўлиб аҳиллликда, биргаликда ишлашади. Натижада одам танаси соғлом бўлиб касалликка тез чалинмайди. Сабаби, организм бақувват бўлиб, ташқи кучларга қарши бемалол кураша олади.

Хулласи калом, омад – бу саломатликда, саломатликда эса гап кўп. Омад калитларини ҳам соғлигингиз беради, азизларим! Соғлигингиз эса ўз қўлингизда!



Каромат ДЎСТМАТОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Ҳамкасбимиз – ғолиблар сафида!

«МАРДЛАР – ЭЛ МАДАДКОРИ»

Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топганлигининг 10 йиллигига бағишлаб «Мардлар – эл мададкори» номли танлов эълон қилинганидан хабарингиз бор. Шу ўринда эслатиб ўтамиз, танловдан кўзланган мақсад республикамиз ижодкорларини элнинг, юртнинг ҳаловатини қўриш эвазига ҳаловат топадиган мардлар ҳақида қалам тебратишга ундаш, уларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш, ватанпарварлик, фидойилик намуналарини кўрсатаётган буғуннинг қаҳрамонларини бадиий ижод орқали мадҳ этишга қаратилганди.

Вазирлик ташкил этилган сана – 4 мартда мазкур танлов якунлари эълон қилиниб, ғолиблар Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор Б.Субанов томонидан тантанали равишда тақдирланди. Туркум шеърлари учун Фазлиддин Пўлатов биринчи, «Беминнат халоскорлар» ҳикояси учун ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошев иккинчи, «Мардлик мангу яшайди» бадиаси учун ҳарбий журналист майор Алижон Сафаров учинчи ўринга сазовор бўлишди. Журналист Эркин Холбобо ва шоир Иброҳим Юсуповлар эса рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар.

Ҳамкасбимиз майор А.Сафаровни танловда олган мукофоти билан табриклаб, янги ижодий зафарлар тилаб қоламиз. Ҳамкасбимиздан республикамизда кечаётган изчил ислоҳотлар жараёнини, шу жумладан, миллий армиямиз шаклланувини, мустақилликнинг одамлар онгига олиб кираётган янгиланиш, ўзгаришларни акс эттирувчи янги-янги мақолалар кутиб қоламиз.

Ўз мухбиримиз.

Айни кунларда юртимизда «Экология ва саломатлик ойлиги» ўтказилаётганидан хабарингиз бор. Табиийки, ижтимоий аҳамиятга эга бўлмиш ушбу муҳим тадбирда Ватан ҳимоячилари, Қуролли Кучларимиз хизматчилари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Майор Жуманазар Қулбоев хизмат қилаётган ҳарбий қисмда бўлганимизда мазкур ойлик доирасида амалга оширилаётган ишларга гувоҳ бўлиб, юқоридаги фикрнинг тўғрилигига яна бир бора амин бўлдик.

Қисм ҳудудига киришданоқ янги ўтқазилган кўчатлар, теварак-атрофдаги саранжом-саришталик, озодалик эътиборимни тортди. Астойдил енг шимариб, ўз юмушларига шўнғиган посбонларнинг чаққон ҳаракатларидан уларнинг ўз ишидан мамнунликлари, қониқишлари яққол сезилиб турарди.

– Ҳарбий қисмимизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тозалик ишлари қизғин кетмоқда, – деди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор А.Йўлдошев. – Шартнома бўйича хизмат сержанти Мавлон Қодиров, оддий аскарлар – Низомиддин Бойминзаев, Отабек Абдуллаев, Шерзодбек Хидиров, Аъзамжон Ҳасановлар нафақат аъло хизматлари, балки кенг қамровли ишларни ўз ичига олган ойликда, экологик ҳашарларда фаол иштирок этишиб, кўпчиликка намуна бўлмоқдалар.

Тарбиячи офицернинг таъкидлашича, ойлик давомида 200 туп арча, 50 туп мевали дарахт, кўплаб гул кўчатларини экиш режалаштирилган бўлиб, бу борадаги ишлар деярли ўз ниҳоясига етган.


Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Мудофаа вазирининг «Экология ва саломатлик ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги махсус буйруғида ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчилари, уларнинг оила аъзолари ўртасида санитария маданиятини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, тиббий пунктлар ва ҳарбий тиббий муассасаларда тиббий ходимлар учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор бериш лозимлиги ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Ўз навбатида шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Екатерина Шабельская хизмат қилаётган қисм тиббий пунктида юқоридаги масалаларга катта аҳамият берилиб, қисм шахсий таркиби, ҳарбий шаҳарча аҳолиси билан тушунтириш, профилактика ишлари белгиланган режа асосида олиб бориляпти.

Энг қувонарлиси, ҳарбий қисм ва муассасаларда амалга оширилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик ишлари нафақат ойлик доирасида, балки давомли тарзда ўтказилиши зарурлигини посбонларимиз яхши англаб етишган.

«Экология ва саломатлик ойлиги»

ПОСБОНЛАРНИНГ ИШТИЁҚИ БАЛАНД

Катта лейтенант Учқун САИДНАЗАРОВ.



ОКНО – НЕ ТОЛЬКО «БОЛЬШОЙ» МИР

ШКОЛА ВЫЖИВАНИЯ



Маленькие дети крайне любопытны. Для них естественно желание пытаться расширить свои познания об окружающем мире. Окно – это тонкая перегородка между известным (домашним) миром и неизвестным (уличным). Всем детям свойственно стремление к постижению нового, а окно представляет заманчивую возможность его реализовать.

Ребенок упорно лезет на стул, стоящий возле окна, чтобы взглянуть на «большой» мир, и ругать его за это неразумно. Но еще более неразумно не видеть колоссальную опасность, таящуюся в этом стремлении.

Ребенок подходит к закрытому окну, забирается со стоящего возле него стула на подоконник, опирается на стекло, стучит по нему ручкой (иногда все это происходит даже в присутствии взрослых), стекло бьется и...

Окно, тем более открытое, одно из самых опасных мест в доме. Поэтому рекомендуется не ставить стулья вблизи окон, а также не ставить возле них тумбочки и столы – все те предметы мебели, с которых ребенок может легко перебраться на подоконник.

К великому сожалению, по данным статистики, каждый год в большом городе несколько детей выпадает из окон, и не всегда с первого этажа. Вина за это полностью лежит на взрослых. За их беспечность дети расплачиваются своими жизнями. Поэтому нелишне напомнить простые, но жизненно важные правила безопасности:

– нельзя подносить ребенка к открытому окну или краю лоджии: одно неосторожное движение – и беда неминуема;

– возле закрытого окна следует держать ребенка только (!) на руках и непременно на безопасном расстоянии от проема;

– держа ребенка возле окна, нужно страховать его голову рукой – раскачиваясь телом, он может удариться головой о стекло;

– ставить ребенка на стул возле окна можно лишь в том случае, если оно закрыто, а подоконник доходит ему не ниже, чем до груди. На подоконнике при этом не должно быть посторонних предметов, которыми ребенок может ударить по стеклу или которые он смог бы сбросить на пол (например, горшки с цветами);

– фрамуги и ставни окон в комнатах, где находятся дети, должны быть закрыты на верхние замки – до них ребенок дотянуться не сможет;

– нельзя позволять детям (всем!) залезать на подоконник даже при закрытом окне;

– нельзя позволять детям (всем!) высовываться из окна – дети плохо контролируют свое положение в пространстве и могут нечаянно выпасть;

– нельзя поручать детям, в том числе и подросткам, мыть окна, тем более открывая их, разрешать вешать шторы, устанавливать карнизы – по той же причине.

Все вышеперечисленные правила следует соблюдать и в отношении лоджии.

Следует учитывать, что иногда дети выбрасывают из окна или лоджии различные предметы, не задумываясь о последствиях, о возможных тяжелых травмах, которые могут нанести прохожим падающие предметы. Это еще одно подтверждение того, что ребенок не должен находиться в комнате один, если в ней открыто окно или дверь лоджии.

Юрий МИХАЙЛОВ, подполковник в отставке.

Ҳарбий техника шарҳи

БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ШАКЛЛАНАДИ

Американинг AL-1A русумли самолётга жойлаштирилувчи лазер қуроли комплекси «Боинг», «Локхид-Мартин» ва TRW фирмалари томонидан АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари вазирлиги раҳбарлиги остида ишлаб чиқилмоқда. AL-1A комплекси мустақил равишда баллистик ракеталарни уларнинг фаол учиш вақтида, қанотли ракеталар ва самолётларни 400 км.гача бўлган узоқликда пайқаш, аниқлаш ва йўқ қилиш имкониятига эга. АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари режаларига кўра, бундай комплекс билан жиҳозланган самолётлар қўшинлар тўқнашадиган линиядан хавфсиз узоқликда (100 км.гача) патруллик қилади ва ҳаводаги уступликни қўлга киритиш вазифаларини ҳал этгандан сўнг фронт линиясига яқинроқ жойлашади. Бундай қуролни яратиш борасидаги ишлар дастури бўйича босқичма-босқич (2009 йилгача) етти машинадан иборат эскадрилья шакллантирилиши кўзда тутилган. Комплекс таркибига юк-йўловчи ташувчи кенг фюзеляжли «Боинг 747-400F» самолёти асосида яратилган самолёт-ташувчи; 14 модулдан иборат бўлган, ягона тизимни ташкил этувчи тўлқинлар узунлиги инфрақизил диапазонининг куч лазери (керакли нурланиш қуввати билан таъминлайди); комплексни жанговар бошқариш тизими, ўт очишни бошқариш тизими, куч лазери нурини нишонга тўғрилаш воситалари, таъминлаш ва хизмат кўрсатиш воситалари киради. Самолётнинг асосий тавсифлари: экипаж 2 киши, тезкор гуруҳ – 4-6 киши, максимал кўтарилиш оғирлиги 363 т, энг юқори учиш тезлиги М-0,83 га тенг, максимал учиш узоқлиги 8000 км, энг юқори кўтарилиш нуқтаси 13500 м, фюзеляж узунлиги 70,7 м, баландлиги 19,4 м, қанот кўлами 65,5 м, юк бўлмасининг фойдали ҳажми 778 м3.



КЎП ЙИЛЛИК СИНОВЛАР


Францияниг «Цезарь» деб номланган 155 мм.ли ўзиюрар гаубицаси (CAESAR – CAmion Eguipe d'un Systeme d'ARtillerie – юк машинасига монтаж қилинган артиллерия қурилмаси) «Жиат индастриз» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган ва биринчи марта жамоатчилик ҳамда ҳарбий мутахассисларга 1994 йилда ўтказилган кўргазмада намойиш этилган. Тизимни синаш ишлари 2000 йилгача давом этган ва шу йили етказиб бериш бўйича биринчи шартнома имзоланган. Компания мутахассисларининг таъкидлашича, ушбу гаубица бошқа 155 мм.ли шатакка олинувчи ва ўзиюрар (гусеницали ва гилдиракли) тизимларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, мустақил равишда вазифаларни ҳал қилишга қодир бўлган қуролдир. «Мерседес-Бенц» УНИМОГ U-245L (гилдирак формуласи 6х6) автомобилининг такомиллаштирилган шассисига ўрнатилган бўлиб, бу техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни енгиллаштиради. Гаубицанинг асосий техник-тактик тавсифлари: расчёт – 5 киши (поход ҳолатида кабинага жойлашади); жанговар оғирлиги 17400 кг, оғирлиги (ёнилғи ва ўқ-дорисиз) 15900 кг, ўнгга-чапга бурилиш бурчаги 17 градус (жами 34 градус), узунлиги 9,95 м, эни 2,55 м, баландлиги 3,65 м (авиаташиш вариантида – 2,65 м), максимал тезлиги 110 км/соат, юриш захираси 600 км, ғилдирак 0,4 м, енгиб ўтадиган тўсиқ чуқурлиги 1,2 м, двигатели – 240 от кучи қувватига тенг бўлган олти цилиндрли дизель, жанговар комплекти 18 та снаряд, М-107 снаряди билан отиш узоқлиги 18,3, ERFB NR-269 BB снаряди билан – 42 км.



ҲОЗИРЧА ИККИ ВАРИАНТДА

2001 йилда Америка Қўшма Штатларининг «Лопрести Гордон» (Lopresti Gordon) компанияси мутахассислари томонидан вертикал (тик) кўтарилувчи ва қўнувчи ЛоГо (LoGo) русумли учиш аппаратининг лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ушбу учиш аппаратларидан ёнғин чиққан вазиятда одамларни қутқаришда, эвакуатор сифатида, шунингдек, шаҳар қурилишлари шароитида махсус операцияларни амалга ошириш жараёнида фойдаланиш мумкин. Ушбу аппаратлар оиласи ҳозирги вақтда икки вариантда тақдим этилмоқда, яъни: «УрбанАеро оф Израэль» (UrbanAero of Israel) фирмаси иштирокида ишлаб чиқилган «Гардиан» (Guardian) (суратга қаранг) ҳамда «ТурбоХок» (TurboHawk) вариантларида. Иккала учиш аппаратларининг бошқалардан ажралиб турувчи асосий фарқи шундаки, улар вертикал конструкцияларга, шу жумладан, кўп қаватли биноларга жуда яқин кела оладилар. Ушбу аппаратлар моделлари фюзеляж ости саватларига саккиз кишини жойлаштиришга мўлжалланган.

(«Зарубежное военное обозрение» журналидан олинган).



МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



МАГАТЭ направит доклад

Члены совета управляющих Международного агентства по атомной энергии ООН (МАГАТЭ) на встрече в Вене сочли целесообразным передать на рассмотрение СБ ООН специальный доклад гендиректора МАГАТЭ Мохаммеда аль-Барадеи о ядерной программе Ирана, передает Интерфакс со ссылкой на британскую телерадиокомпанию BBC. Доклад гендиректора МАГАТЭ был заслушан на заседании руководства МАГАТЭ.



«Птичий грипп» опасней СПИДа

«Птичий грипп» представляет для мира большую угрозу, чем СПИД, заявили эксперты Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ). По подсчетам экспертов, ущерб уже превысил 10 млрд. долларов. Однако по-настоящему медиков беспокоит реальная перспектива пандемии мутировавшего вируса среди людей. Накануне директор НИИ вирусологии им. Ивановского РАМН Дмитрий Львов объявил, что до такой пандемии остался один шаг: не хватает одной аминокислотной замены в геноме, чтобы смертельный вирус H5N1 начал передаваться от человека к человеку.



Отказ вернуться к переговорам

Об отказе Пхеньяна от продолжения переговоров по проблеме ядерного оружия заявил начальник американского департамента МИД КНДР Ли Гын в Нью-Йорке по окончании американо-северокорейских переговоров, темой которых было введение Вашингтоном экономических санкций в отношении Северной Кореи. Об этом сообщает агентство Интерфакс, ссылаясь на данные американской телекомпании CBS и на информацию из южнокорейских СМИ.



Запуск шаттла запланирован на май

Ближайший запуск многоразового космического шаттла запланирован на май. Об этом сообщил руководитель Роскосмоса. «2 марта во Флориде (США) состоялась встреча глав ведущих мировых космических агентств. Американская сторона, говоря о запуске шаттла, проинформировала всех, что период раскачивания закончился. В мае 2006 года будет запущен космический корабль, настрой идет на май», – сказал А. Перминов. По его словам, резервной датой запуска является июнь 2006 года, передает РИА Новости.



Будут снимать отпечатки пальцев

Правительство Японии утвердило изменения в иммиграционный закон, согласно которым у прибывающих в страну иностранцев будут снимать отпечатки пальцев, сообщает РИА Новости. Как заявил глава иммиграционного бюро министерства юстиции Японии Тихо Накаи, такие меры приняты для борьбы с нелегальной иммиграцией и предотвращения террористических актов. Измененный закон в июне будет направлен для утверждения парламентом страны.



Солнечные бури — это серьезно

Исследователи американского Национального научного фонда применили новую компьютерную модель для расчета активности солнечных циклов. Ученые пришли к выводу, что следующий период солнечной активности будет в 1,5 раза мощнее предыдущего, сообщает Reuters. Некоторые полагают, что начало цикла следует ожидать уже в конце 2006 года. Другие прогнозируют, что солнце «проснется» в конце 2007 года.



Новые гены человека

В ходе экспериментов американские ученые выяснили, что за последние 15 тысяч лет у человека появились новые гены. Такие данные были получены в результате экспериментов, проведенных в Чикагском университете, сообщает «The New Scientist». Считается, что многие из 700 генов человека, выявленных учеными, особенно вовлеченные в процессы обоняния и оплодотворения, прошли процесс естественного отбора, пока миллионы лет назад происходила дивергенция человека и обезьян.



Сможем дышать под водой

Израильский инженер Алон Боднер верит в то, что человек сможет дышать под водой при помощи искусственных жабр. Страстный любитель дайвинга, ученый придумал систему, позволяющую извлекать воздух из воды. Он уверен, что его изобретение «со временем позволит ныряльщику освободиться от баллонов», пишет «Le Monde».

(По страницам Интернета).

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Ҳарбийлар оиласида

ҚАЛБ КЎЗМУНЧОҒИ

Муҳаббатни қалб кўзмунчоғига қиёс қилган эканман. Биласиз, кўзмунчоқни «кўз тегмасин», деган ирим билан тақиб юришади. Қалб кўзмунчоғи бўлган муҳаббат эса дилни пок сақлайди. Унга ғубор туширмайди, гард қўндирмайди. Тилга олмоқчи бўлаётганим – капитан Асадулла Абдураҳмонов оиласида ҳам муҳаббат устувор. Демак, икки қалбнинг асрагувчи кўзмунчоғи бор.



Эшик қўнғироғи жиринглади. Қизалоғини ўйнатиб турган она «Зарнигоримнинг дадаси ишдан келди. Ҳозир чиқиб дадамизга салом берамиз», дея фарзандини опичлаб, эшик томон шошди. Доим шунақа. Аёл эшик қўнғироғининг жиринглашидан билади, эрининг келганини. Юраги, қалби билан ҳис қиладими, буниси бизга қоронғу.

–Ассалому алайкум, дадажон сизни роса соғиндик, – қизининг тилидан сўзлайди келин. Кейин бизни кўриб, бироз уялгандек бўлди. Аммо шошиб қолмади. Уй бекаси ўзбек аёлларига хос назокат билан бизни ичкарига таклиф қилди.

Очиғи, уч ойлик Зарнигорнинг отасига талпинишини кўриб, ҳайратландик. Ҳали оқ-қорани, яхши-ёмонни ажрата олмайди. Бироқ шу жажжи вужуд ҳам меҳрни, унинг тафтини билади-я.

–Гўё уйга бир йил келмагандексиз-а, – деймиз капитан Абдураҳмоновга ҳазил аралаш.

–Билсангиз ҳар куни мени шундай кузатиб, шундай кутиб олишади. Меҳрда, муҳаббатда гап кўп экан. Бундайин муносабат хизматимда, жанговар тайёргарликларимда мени руҳлантириб туради. Юртим осойишталигига баҳоли қудрат улуш қўшар эканман, аввало яқинларим кўз олдимга келади. Демак, мен уларнинг ҳам тинчлигини, осойишталигини ҳимоя қиляпман. Ўртамиздаги ана шу меҳрни, муҳаббатни ҳимоя қиляпман.

Жавобидан ҳам ҳис қилдикки, оилада меҳр, муҳаббат, садоқат устувор.

Келин – Ҳулкар Жиззах давлат педагогика институтида сиртдан таҳсил олади. Пазанда, чевар, хуллас, ўзбек аёлига хос кўплаб фазилатлар соҳибаси. Анъанавий саволга ундан жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

–Ҳарбийнинг аёли бўлиш учун мустаҳкам ирода соҳибаси бўлишингиз лозим экан. Негаки, турмуш ўртоғингизнинг эл-юрт ҳаловатини кўзлаб ўтказадиган беҳаловат кунларига сиз ҳам шерик бўласиз. Республикамизнинг турли ҳудудларида, ҳали узоқ гарнизонларда хизмат қилишга тўғри келиши мумкин. Бундайин шароитда биз уларга ҳамкор, ҳамфикр бўлишимиз лозим. Оилавий муҳитда бўладиган дилхираликлар уларнинг жанговар фаолиятларига таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун доимо кўнгилларига қарайман. Кайфиятлари тушкун бўлса, ҳазил-ҳазул қилиб, кўнгилларини ёзишга ҳаракат қиламан.

Ҳарбийнинг аёли бўлиш осонми, деган саволга кўп жавобларни дилидан тилига кўчирмади. Ўзбекнинг аёли сабрдан, бардошдан яралганини исботлади. Ахир, эрта саҳарда хизматга отланадиган эрини кузатишини, баъзан алламаҳаллар бўлганида кутиб олишини, тревогалар пайтида ўзи ҳам ҳаловатидан айрилишини, хизмат сафарларида узоқ вақт қолиб кетганида қалби бўм-бўш бўлиб қолишини дастурхон қилиши мумкин эди-ку. Йўқ, бундай қилмайди, қилолмайди. Негаки, у шоир айтганидек, ортидан вафо, ибо, ҳаё, садоқат эргашиб юрадиган ўзбек аёли.

Ўқитувчилар – бахмаллик Неъмат ака ва Гулистон опалар хонадонида камол топган фарзанд ҳарбийликни, мардлар касбини танлади. 2000 йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугаллаб, Қуролли Кучларимиз сафида жавлон урмоқда. Тарбиячи офицер капитан Асадулла Абдураҳмонов суҳбатимиз давомида кўпроқ жамоаси ҳақида сўз очишга ҳаракат қилди.


–Қишки ўқув мавсуми авж паллага кирган айни пайтда взвод командири катта лейтенант Жамшид Мадиёров, гуруҳ командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Фарҳод Йўлдошев, кичик сержант Тўлқин Ширинбоевларнинг жанговар ютуқларини алоҳида таъкидлаб ўтган бўлардим. Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллик тўйида илғор посбонларимиздан оддий аскарлар – Машҳурбек Худойбердиев, Алишер Ибрагимов, Шодиёрбек Қўйчиевлар Фахрий ёрлиқ билан тақдирланишди. Айни пайтда бу мард ўғлонлар жанговар шайликларини янада оширишиб, бурчларини виждонан адо этишмоқда. Ҳатто Тавсиянома олишга ҳам асосий номзодлар сафида, десам хато бўлмайди. Унинг бу сўзларини эшитиб, «ҳақиқий тарбиячи офицер шундай бўлади-да», деган фикр хаёлдан ўтди. Яъни шахсий таркиб ҳақида ғамхўрлик қилади, юртининг ижтимоий-сиёсий ҳаётига доимо синчков назар ташлайди.

Офицер оиласидаги меҳрдан, муҳаббатдан яралган риштани бир қарагандаёқ ҳис этасиз. Муҳаббатни бир ижодкор юракка чизилган суратга қиёслабди. Лекин шакл-шамойилини, рангини ифодалаб бермабди. Ўзимча хулосалайман. Демак, юракка чизилган сурат экан, ранги юрак рангига ўхшайди. Юракдан озиқланар экан, демак, шакл-шамойили ҳам унга ўхшаш. Юрак қанчалар кенг, беғубор бўлса, унинг муҳаббати ҳам чексиз бўлади. Ёш оилада бир-бирига ўзаро муҳаббат бор, буни лавҳамиз орқали ҳис қилгандирсиз. Ватанига, халқига муҳаббат бор. Буни улар фаолияти кўрсатиб турибди. Дейлик, келин ўқиб, илм эгаллашга, бу билан Ватанига фойда келтиришга уринаётгани, турмуш ўртоғи – юрт ҳимоячисига эзгу хизматлари йўлида руҳан, маънан кўмаклашаётгани ватанпарварлик, Ўзбекистонига муҳаббат эмасми.

–Яхши бориб келинг. Яхши келдингизми? – ҳар куни шунга ўхшаш гаплар такрорланади. Бу каломлар ўзгача бир сеҳр билан айтилади. Сеҳрнинг сири – унда меҳр, унда муҳаббат борлигида. Меҳр хизматга кузатиб қўйиб, муҳаббат кутиб олади. Ҳар куни такрорланса-да, меъдага тегмайди, ғашга тегмайди. Балким бу оиланинг бахти ҳам ана шундадир.

Майор Алижон САФАРОВ.
Подполковник Ярослав КОРУКА суратга олган.

ПОЛЕЗНЫЕ СОВЕТЫ



ГУЛЯШ ИЗ ГОВЯДИНЫ

с тыквой и сладким перцем в томатном соусе

На 1 порцию: 1 луковица, 150 г филе говядины, 1 столовая ложка топленого масла, соль, молотый черный перец, 1 зубчик чеснока, 1 чайная ложка томатной пасты, 1 чайная ложка муки, 200 мл мясного бульона, по 1/2 стручка красного и зеленого сладкого перца, 200 г тыквы, по 1/2 чайной ложки паприки, карри и сушеного розмарина.

ПРИГОТОВЛЕНИЕ:

1. Репчатый лук очистить и нарезать мелкими кубиками. Мясо вымыть, обсушить и нарезать небольшими кусочками.

2. Топленое масло растопить в широкой кастрюле и, помешивая, обжарить в нем мясо. Посолить и поперчить. Добавить лук, измельченный чеснок и томатную пасту. Все слегка потушить, посыпать мукой, молотой паприкой и перемешать. Влить бульон и тушить под крышкой 30 мин.

3. Сладкий перец вымыть и, удалив семена, нарезать крупными кубиками. Так же нашинковать мякоть тыквы. Овощи выложить к мясу. Гуляш приправить карри и розмарином и тушить под крышкой еще 30 мин.

Время приготовления: 60 мин.

В одной порции 360 ккал.

Белки – 37 г, жиры – 19 г, углеводы – 0,9 г.

К сведению:

При обжаривании на сильном огне белок мяса быстро коагулируется, создавая коричневую поджаристую корочку. Именно она сохраняет мясо сочным.



КОНТРАСТЫ УМЫВАНИЯ


Общеукрепляющая процедура – контрастный душ – хороша не только для кожи тела, но и лица. Вовсе не обязательно включать душ на полную мощность: достаточно будет двух минут с холодной и горячей водой. Можно также использовать два небольших полотенца. Одно смачиваете горячей водой, другое – холодной и поочередно прикладываете к лицу. Совет: эту полезную и приятную процедуру можно проводить утром, но не позднее, чем за час до выхода на улицу!

ФЛАКОН С ХАРАКТЕРОМ



Посмотрите на форму флакона своих любимых духов. Он прост и лаконичен? Вы предпочитаете держать эмоции при себе, ищете постоянства, трудоспособны и неболтливы. Узок и длинен? Его утонченная хозяйка полна амбиций. Экстравагантен и забавен? Вы – зажигательная и авантюрная натура, вечно попадающая из одного приключения в другое. Ну а если в вашей сумочке лежит овальный или напоминающий женский силуэт флакончик, то вы – романтик, покоряющий сердца мягкой чувственной грацией.

ШОКОЛАДНЫЙ БУМ



Как приятно осознавать, что вкусные продукты еще и полезны! Очередное целебное свойство шоколада открыли медики из Калифорнийского университета. Ежедневное употребление малых порций шоколада благоприятно сказывается на работе кровеносных сосудов и сердца! Но не всякая шоколадка полезна, а лишь та, которая насыщена полезными веществами – флавонидами, содержащимися в какао-бобах. 25–30-процентное содержание какао-бобов в плитке свидетельствует о низком качестве продукта, скорее всего, вместо полезных флавонидов вы получите сахар и консерванты. 35–40 процентов – перед вами шоколадка среднего качества, 40–45 процентов – почетное второе место. Ну а если содержание какао-бобов 45–60 процентов, не сомневайтесь – перед вами полезный продукт. Больше всего флавонидов содержится в горьком шоколаде.

ЧИСТИМ ЗУБЫ!

Раньше считалось, что начинать чистить зубы ребенку нужно после того, как они все прорежутся, то есть примерно с 2 лет. Но сегодня специалисты считают, что в тщательной чистке нуждается уже первый появившийся зуб. Разумеется, сначала гигиеническую процедуру проводят родители, а когда малышу исполнится 2–3 года, необходимо и его научить этому важному делу, но обучение начинайте без использования пасты.



ФИДО БЎЛИБ СЕВСИНЛАР

Гулдан нозик хилқату лек
тоғдек заҳмат илкида,
Улуғлигу жафокашлик
жой талашар мулкида,
Не даҳолар, не расолар
ғулом бўлмиш ишқида,
Гар севсалар мажнуни –
ишқ савдо бўлиб севсинлар.

Усти сокин дарёдир лек,
бағрида йўқ ҳаловат.
Не кечмишлар кўз тутмасин
айлар сабру қаноат,
Этагининг барин ўпар
эр йигитман деган мард,
Гар севсалар шунчакимас,
фидо бўлиб севсинлар.

Тилсим дунё синоатин
муҳрлаган аёл у,
Учқур ақли даҳоларни
сеҳрлаган хаёл у,
Мудом аҳли донишларнинг
қўли етмас савол у,
Гар севсалар ишқида чин
вафо бўлиб севсинлар.

Йигитларнинг ор номуси
ул пойига тикилар,
Елкаси ер кўрмас норлар
жим-жимгина юкинар,
У эъзозда бўлган юртда
қодир авлодлар унар,
Гар севсалар садоқатда
танҳо бўлиб севсинлар.

Жийда гулин ифорига
чайилган малак – аёл,
Не кўнгиллар етолмаган
умрлик тилак – аёл,
Миллат номин асрагувчи
ёруғ келажак – аёл,
Гар севсалар бир умрлик
шайдо бўлиб севсинлар.

Момо Ҳаво аждоди у
меҳр ила қадди тик,
Асрларки шаънин куйлар
не-не ашъору битик,
Усиз даҳо умрлар ҳам
нурсизу ночор, кемтик
Гар севсалар улуғ Одам
Ато бўлиб севсинлар –
Не қисмату, не заҳматга
ризо бўлиб севсинлар.

Зулфия ЮНУСОВА.

ДАРИТЕ ЖЕНЩИНАМ ЦВЕТЫ!

Желанный день в году – с весенней новью;
Исполненный душевной теплоты,
Когда счастливым женщинам с любовью
Мужчины дарят нежные цветы...
И в этот день совсем не без причины,
Той, что всегда, как женский праздник, ждут,
Понятно, как волнуются мужчины,
Когда подарок свой преподнесут.
К тому же, сказать заветные им надо,
Сердечные, достойные слова.
Внимание мужчин для них – награда,
И каждая в том женщина права.
Она своей взаимностью ответит
Улыбкой неподдельной доброты.
Спасибо им, что есть они на свете.
Дарите милым женщинам цветы!

НЕ ПОТОМУ, ЧТО...

Среди людей я с ней одною жил,
Одной ее я повторяю имя,
Не потому, что я ее любил,
А потому, что скучно мне с другими...
И если мне бывало тяжело,
Лишь от нее я ждал всегда совета,
Не потому, что от нее светло,
А потому, что с ней не надо СВЕТА!

Николай БУРТЫШЕВ.

ҲАРБИЙ ЛИБОС КИЙГАН МАЛИКАЛАР

Сиз Ватан бағрида гуллек ўсдингиз,
Вақт келса ғанимлар йўлин тўсдингиз.
Оламни мунаввар айлар ҳуснингиз,
Тўмарис қизлари, маликалари,
Озод юрт қалқони, мард бекалари.

Орзулар боғининг ҳассос боғбони,
Эзгулик карвонин собит сарбони,
Она юрт бағрининг гўзал посбони,
Тўмарис қизлари, маликалари,
Озод юрт қалқони, мард бекалари.

Номусдек асрайсиз Ватан шонини,
Табаррук қилдингиз тузу нонини,
Шонга буркадингиз ўзбек номини,
Тўмарис қизлари, маликалари,
Озод юрт қалқони, мард бекалари.

Латофат, назокат сизда эрур жам,
Сиздаги гўзаллик қайи гўзалдан кам,
Ибо либосидир кийимингиз ҳам,
Тўмарис қизлари, маликалари,
Озод юрт қалқони, мард бекалари.

Сиз Ватан боғида қулф урган гуллар,
Сиз борсиз озодлик юлдузи порлар,
Ишқингиз мени ҳам сафларга чорлар,
Тўмарис қизлари, маликалари,
Озод юрт қалқони, мард бекалари.

Гулшода ҚУРБОНОВА,
Қибрай тумани.

KENJA

(O‘zbek xalq ertagi)

Bir podshoning uch o‘g‘li bo‘lgan ekan. Kattasi yigirma bir yoshga, o‘rtanchasi o‘n to‘qqiz yoshga, kenjasi o‘n yetti yoshga to‘lgan ekan.

Bir kun to‘ng‘ich o‘g‘il tunda eshikka chiqib qarasa, ikki tomondan yorug‘ tushayotgan emish. U azongacha uxlamay o‘ylabdi. Azonda otasining oldiga salomga chiqib, undan:

– Ota, kun chiqishda va kun botishda yorug‘ ko‘rdim, bu nima? – deb so‘rabdi. Otasi:

– Ey bolam, sen so‘raydigan narsa emas, – debdi. O‘g‘li qo‘ymasdan yalinibdi. Otasi:

– Bolam, kun chiqishdagi yorug‘lik o‘zimizning osmondagi oyimiz. Kun botishdagi esa, kunbotish podshosi qizining shu’lasi. U yuzidagi niqobini olib qo‘ysa, shu’lasi osmonga tushib turadi. Senga ko‘ringan oy o‘sha, – debdi. To‘ng‘ich o‘g‘il:

– Men o‘sha kun botishdagi malikaning oldiga boraman, – debdi. Nihoyat ota javob berishga majbur bo‘libdi. To‘ng‘ich o‘g‘il ikki xurjunni tillaga to‘ldirib, yaxshi otga minib yo‘lga tushibdi. U yo‘l yuribdi, yo‘l yursa ham mo‘l yuribdi. Yo‘lda bir cholga duch kelibdi. Chol:

– Yo‘l bo‘lsin, bolam? – deb so‘rabdi.

– Oloy bo‘lsin, ol bo‘lsin, ota, podshoning qizini olgani ketyapman, – debdi shahzoda.

– Unday bo‘lsa, bolam, ostingdagi oting va xurjundagi tillalarni menga berib ket! – debdi chol.

– Ota, axir ostimdagi ot va xurjundagi tillaga ishonib ketyapman-ku, – debdi bola.

– Xayr, unday bo‘lsa, ketaver, – deb javob beribdi chol.

– Bola yo‘l yurib, yo‘l yursa ham mo‘l yurib, kunbotish podshosining shahriga boribdi, nihoyat saroyga ham kiribdi. Podsho bolani ko‘p izzat-hurmat bilan kutib olibdi. Bola bir hafta podsho o‘rdasida mehmon bo‘libdi. Podsho qayerdan kelding, deb tag-taxtini surishtiribdi. Bola kelgan shahrini, otasining nomini aytibdi. Podsho:

– Kelishdan maqsading nimadir? – deb so‘ragan ekan, bola:

– Sovchilikka, qizingizga uylanish uchun keldim, – debdi. Shu so‘zni aytishi bilanoq podshoning bir pahlavoni kelib bolani ko‘tarib chig‘iriq tomon olib ketibdi. Bolani chig‘iriqqa tashlab, maydalab o‘ldiribdi.

Endi ikki og‘iz so‘zni o‘rtancha o‘g‘ildan eshiting: o‘rtancha o‘g‘il og‘asini uch oy kutibdi, darak bo‘lmagach, xabar olib kelaman, deb ruxsat olib u ham yo‘lga chiqibdi. Buning boshiga ham og‘asining kuni tushibdi... Oradan bir yil o‘tibdi. Kenja o‘g‘il otasining huzuriga kirib:

– Otajon, akalarimdan xabar olaman, – deb javob so‘rabdi. Otasi javob bermabdi.

– Axir, yolg‘iz sen qolding, o‘g‘lim. Endi seni ham yo‘qotsam menga podsholikning nima keragi bor? – deb yig‘labdi u. Hech ko‘ndira olmagandan keyin podsho kenja o‘g‘liga ham javob berishga rozi bo‘libdi. Bola ikki akasi qanday tayyorgarlik ko‘rib jo‘nagan bo‘lsa, shunday tayyorlanib yo‘lga chiqibdi. Bir necha kun yurgandan so‘ng unga ham bir chol uchrabdi. Ular hol-ahvol so‘rashibdilar. Chol bolaga:

– Ostingdagi ot bilan xurjundagi tillani tashlab ket! – debdi. Bola, xo‘p, deb otdan irg‘ib tushib, bir hovuch tillani cho‘ntagiga solib, ot bilan tillani cholga beribdi. Chol bilan xayrlashib, jo‘nabdi. Kenja yo‘l yuribdi, yo‘l yursa ham mo‘l yuribdi. Bir shaharning chetiga yetib boribdi. Bu shahar kun botish podshosining shahri ekan. Kenja shaharga qanday kiraman deb turganda qo‘y boqib yurgan cho‘ponga duch kelibdi. Bola cho‘pondan:

– Bu kimning qo‘ylari? – deb so‘rabdi. Cho‘pon:

– Bular podshoning kundalik ovqati uchun so‘yilib turgan qo‘ylar, – debdi. Bola cho‘ponga:

– Ey cho‘pon, kel, ikkimiz kiyimlarimizni almashtiraylik. Sen mening kiyimimni kiy, men sening kiyimlaringni kiyay, – debdi. Cho‘pon:

– O‘zing bir podshovachchaga o‘xshaysan, meni kalaka qilayotgan bo‘lmagin, – debdi. Haligi cho‘pon kenjaning astoydil aytgan so‘zlariga ishonib, kiyimlarini almashtiribdi. Shunda shahzoda:

– Endi sen kechqurun qo‘ylarni qayerga haydab borishni tushuntirib qo‘y, – deb iltimos qilibqi. Cho‘pon:

– Podshoning saroyiga yetganingda, qo‘ylarning o‘zi qayerga borishini yaxshi biladi, – debdi. Ikkisi xayrlashib, cho‘pon yo‘lga tushibdi. Kenja kechgacha qo‘ylarni boqib, kechqurun saroyga haydab boribdi. Kenja u yerda hech kimni tanimabdi. Qo‘lga tushib qolmayin, deb bir teshikdan boshqa tomonga chiqib ketibdi. Bola tushgan joyida katta bir hovuz bor ekan. Shu hovuzning yonida yotib uxlab tong ottiribdi. Shu joyda bir beva kampir yashar ekan. Kampir suvga chiqib bolani ko‘rib qolibdi. Bola kelishgan, chiroyli ekan. Kampir bolani ko‘rib hayron qolibdi va uni uyg‘otib:

– Ey bola, kimning o‘g‘lisan, qayerdan kelgansan? – deb so‘rabdi. Bola kampirga:

– Otam, onam yo‘q, bir yetimchaman, – debdi. Kampir:

– Unday bo‘lca, menga o‘g‘il bo‘laqol, – debdi. Bola rozi bo‘libdi. Kampir bolani uyiga olib boribdi. Kampirning uyida bor-yo‘g‘i bir hovuch uni bor ekan, bolaga atala qilib beribdi.

Bola atalani ichib bo‘lgach, kampirning qo‘liga bitta tilla beribdi. Kampir bozorga jo‘nabdi. U allopning oldiga kelib:

– Bolam, mana shu pulimga yarasha un bersang! – debdi.

Allop:

– Ona, besh-oltita arava olib keling! – debdi. Kampir ishonmay:

– Meni kalaka qilma, o‘g‘lim, – debdi. Allop kampir ishonmayotganini bilib, aravalarga un ortib beribdi. Shahzoda to‘rtta oshiq va bitta soqqa olib podsho saroyi oldida boshqa bolalar bilan o‘ynab yuraveribdi. Bola podsho saroyida bo‘layotgan voqealarning hammasidan ogoh bo‘lib, polvonning qilmishlarini, kelgan shahzoda va podshovachchalarning chig‘iriqda o‘ldirilayotganini ko‘rib, o‘z akalarining ham shu ko‘yga tushganini bilib g‘azabi qaynab, payt poylab yuraveribdi. Bola podsho saroyi oldida yurib, ko‘p yangiliklardan xabardor bo‘libdi. U o‘z akalari uchun o‘ch olish va malikaga uylanishni ko‘nglidan o‘tkazib qo‘yibdi.

Oradan bir necha kun o‘tgandan so‘ng, Kenja malikaning oldiga chiqish uchun harakat qilibdi. Bir kuni yarim tundan oqqandan keyin bola qiz oldiga chiqa boshlabdi. Bu paytda eshik oldidagi qorovullar, askarlar uxlab yotishgan ekan. Yo‘lga bog‘lab qo‘yilgan yirtqich hayvonlarning hammasi uxlayotgan ekan. Bola qiz oldiga bemalol chiqib boribdi. Qarasa qizning qirq kanizi ham uxlab qolganmish. Malika o‘ng qo‘lida sharob, chap qo‘lida kabob ushlagancha uxlarkan. Kenja qiz qo‘lidagi sharobni ichib, kabobni yebdi. Bola qizning betidan bir bo‘sa olib, tezlik bilan orqasiga qaytibdi. Shu payt yirtqich hayvonlar uyg‘onib baqira boshlabdilar. Qizning qo‘lidagi kabob va sharobi g‘oyib bo‘lganini eshitib, podsho nihoyatda g‘azablanibdi.

(Davomi bor).

13 МАРТ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

Ҳурматли телетомошабинлар! 13 март куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 ТВ-анонс.
15.50 «Сизнинг адвокатингиз».
15.55 «Олам ва одам дастури: «Завқ-шавқ баҳоси».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.30 «Олтин мерос».
17.35 ТВ-анонс.
17.40 «Банк ва мижоз».
17.50 «Умр дафтари».
Ш. Холмирзаев. 1-қисм.
18.10 «Оқшом наволари».
18.20 «Шаҳзода ва канизак». Видеофильм. 1-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Эркин мавзу».
22.00 «Ярқироқ тош сири». Телесериал премьераси.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Пўлат ғилдираклар».
00.10 Тунги наволар.

ЁШЛАР

14.05 «Шубҳа». Телесериал.
14.55 Оила – муқаддас маскан.
15.00 Ватанпарвар.
16.00 Давр.
16.10 Интерфутбол.
17.50 Қатрада қуёш.
18.10 Кино SMS.
18.15 Ёшлар овози.
18.30 Чемпион сирлари (рус тилида).
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 SMS-тест + анонслар.
19.40 Қизил ҳудуд.
19.55 Ракурс.
20.10 Мусиқий лаҳза.
20.15 Кино SMS.
20.20 «Осмондаги аёллар». 1-қисм.
20.35 SMS-тест + анонслар.
20.40 UzEX хабарлари.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Шубҳа». Телесериал.
21.45 SMS-тест + анонслар.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Мусиқий лаҳза.
22.40 UzEX хабарлари (рус тилида).
22.50 «Эсмеральда». Телесериал.
23.20 Дастурнинг ёпилиши.

ТОШКЕНТ

18.20 Программа передач.
18.30 «Пойтахт» (рус.).
18.50 «Экран – детям».
19.00 «Саломат бўлинг».
19.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.50, 20.50 «Телекурьер-маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 22.20 Телегазета «Экспресс».
20.30 «Камила». Телесериал.
21.00 «Махсус мухбир».
21.20 М. Исмоил. «Балоғат бекати». Видеофильм. 1-қисм.
22.30 Киноюко: «Полосатый рейс».
23.55 «Спокойной ночи, мой город!»

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 «Приключения Тэппейя». Мультсериал.
9.00 «Талкин». Информационно-аналитическая программа.
9.30 «Талисман». Сериал.
10.10 «Здоровое поколение».
10.25 Международный спорт: Баскетбол. NBA.
11.25 Футбол. Чемпионат Узбекистана. «Насаф» – «Бахор».
18.00 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (на русском языке).
18.50 «Народные игры».
19.10 «Таинственные города Азии». Док. фильм.
20.00 «Вести».
20.30 «Королевы спорта».
20.45 «Футбол плюс».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Превратности любви». Сериал.
22.50 Курош. Гран-при. Международный турнир.
23.50 «Проф-РИНГ».
00.40 «Спокойной ночи!»

14 МАРТ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Пўлат ғилдираклар».
«Болалар сайёраси»:
9.45 «Ўйла! Изла! Топ!»
10.35 «Остонаси тиллодан».
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.
11.55 «Олтин мерос».
12.00 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
12.20 «Умр дафтари».
Ш. Холмирзаев. 1-қисм.
12.45 «Ярқироқ тош сири». Телесериал.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
14.00 «Ахборот».
14.20 «Шахсий фикр».
14.55 «Жавоҳир».
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
15.10 ТВ-анонс.
15.15 «Жаҳон мусиқаси хазинасидан». Верди. «Аида» операси. 1-қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 «Олтин мерос».
17.25 «Тарих кўзгуси».
17.45 ТВ-анонс.
17.50 «Эркин иқтисодиёт».
18.10 «Умр дафтари».
Ш. Холмирзаев. 2-қисм.
18.30 ТВ-анонс.
18.35 «Оқшом наволари».
18.45 «Шаҳзода ва канизак». Видеофильм. 2-қисм.
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Ернинг муносиб эгасини топиш – долзарб масала».
22.00 «Ярқироқ тош сири». Телесериал.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Дунёдаги энг катта меҳмонхона».
00.10 Тунги наволар.

ЁШЛАР

14 март куни «Ёшлар» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 13.55 дан бошлайди.
14.00 «ЯНГИ КУН». Ахборот дам олиш дастури.
